БУТУН ДУН'Ё ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТ (большевик)ЛАР ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 229 (7676)

29 СЕНТЯБРЬ ЖУМА 1950 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 ТИЙИН.

БУГУНГИ СОНДА:

Сон-саноқсиз табриклар (2-нчи бет).

Коммунизмнинг буюк иншоотларини қуришда актив қатнашамиз (1-нчи бет).

Совет Иттифоқида (1-нчи бет).

ПРОПАГАНДИСТЛАРГА ЁРДАМ: С. Ражабов. — Ўртоқ Сталиннинг социалистик давлат тўғрисидаги та'лимоти (2-нчи бет).

Социалистик мусобақани кучайтириб, пахта териш ва тайёрлаш сур'атини яна ҳам оширайлик!: М. Бобош. — Китоб районида ҳамма куч пахта теримига сафарбар қилинган эмас (3-нчи бет).

Қурияда агрессия тайёргарлигини фош қилувчи ҳужжатлар (3-нчи бет).

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг бешинчи сессияси (4-нчи бет).

Қуриядаги воқиалар (4-нчи бет).

Америка эсминси хитой кемасини тўпга тутди (4-нчи бет).

Фан ва практика аҳлларининг ижодий ҳамкорлиги

Совет фани дун'ёда энг илғор фандир. Совет фани халқ учун хизмат қилади. Халқ ичидан етишиб чиққан совет зиёлиларининг халққа бажонидил хизмат қилишдан, халқнинг моддий бойлигини кўпайтириш, унинг фаровонлигини оширишдан бошқа вазифаси йўқ. Улуғ Сталин та'лим берганидек, совет фанининг кучи шундаки, у халқ учун бажонидил хизмат қилади, халқдан ажралиб қолмайди. Халқ билан фан манфаатининг бирлиги илғор совет фани ривожининг гаровидир.

Владимир Ильич Ленин та'лим берганидек, фақат социализм фанни буржуа йўлларидан, капитал қуллигидан капиталистларнинг дахшатли манфаатпарастликларидан озод қилаолади. Фақат социализмгина жамоат ишлабчиқаришини кенг ривожлантириш ва маҳсулотларни илмий асосда тақсимлаш, меҳнаткашларнинг фаровон ҳаёт кечиришларини та'минлайолади.

Улуғ Октябрь социалистик революцияси фан билан халқ ўртасида асрлардан бери мавжуд бўлиб келган говларни парчалаб ташлади, фан ва меҳнат аҳлларининг ижодий ҳамкорлиги учун асос яратди, маданий тараққиёт учун кенг имкониятлар вужудга келтирди.

Шонли большевиклар партияси, фаннинг улуғ корифейи Ўртоқ Сталин совет фанини янада ривожлантириш, унинг ютуқларидан халқ манфаати учун фойдаланиш, меҳнат аҳлларининг бой тажрибаларидан фанни янада тараққий эттириш учун фойдаланиш тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилиб келмоқдалар.

Совет халқи большевиклар партияси раҳбарлиги остида, улуғ Сталин етакчилигида бутун дун'ёда мустаҳкам тинчлик ўрнатиш учун, халқлар хавфсизлигини та'минлаш учун, тараққийпарвар инсониятнинг умид ва орзулар тимсоли бўлган Совет Иттифоқининг куч-қудратини янада ошириш учун фидокорона меҳнат қилаётган бир пайтда, мамлакатимиз меҳнаткашлари коммунизмнинг улуғвор биносини барпо қилаётган ҳозирги пайтда фан билан практика аҳлларининг ижодий ҳамкорлиги жуда катта роль ўйнайди.

Ўртоқ Сталин бундай деб та'лим беради:

«Практика билан, тажриба билан алоқани узган фан—қандай фан, ахир? Агар фан бағибир консерватив ўртоқларимиз тасаввур қилгандай бўлса эди, у ҳолда фан инсоният учун аллақачон йўқ бўлиб кетган бўлар эди. Фан шунинг учун фан деб аталадики, у фетишларни тан олмайди, вақт-соати ўта бошлаган эски нарсаларни гўрга тиқишдан қўрқмайди, тажриба, практика овозига диққат билан қулоқ солади».

Улуғ Сталининг бу кўрсатмаси амалга оширилмоқда, фан арбоблари билан саноат, транспорт, қишлоқ хўжалиги новаторларининг ижодий ҳамкорлиги коммунистик қурилишнинг суръатларини тезлаштириш учун хизмат қилмоқда. Москва, Ленинград, Киев, Боку, Свердловск, Горький, Ростов ва бошқа шаҳарлардаги илмий-текшириш муассасалари билан меҳнат аҳллари, ўртасидаги ижодий ҳамкорликнинг самаралари ана шундан далолат беради.

Куйбишев, Сталинград ГЭСлари, Бош Туркман канали, Каховка гидроэлектростанцияси, Жанубий Украина ва Шимолий Қрим каналларини қуришга киришилиши ана шундай ижодий ҳамкорликнинг ёркин намунасидир.

Ишлабчиқариш илғорлари билан фан арбоблари ўртасидаги ижодий ҳамкорликнинг энг муҳим шаклларидан бири илмий-текшириш институтлари, олий ўқув юртларининг саноат корхоналари билан муҳим масалаларни биргалашиб ҳал қилиш учун иш олиб бораётганлигидир. Совет фанининг жанговар штаби бўлмиш СССР Фанлар Академияси илмий-текшириш институтлари, лабораторияларининг ишлари устидан раҳбарликни муваффақиятли амалга оширмоқда.

Ўзбекистонда ҳам бу соҳада анча ютуқлар қўлга киритилди, фан ва меҳнат аҳлларининг ижодий ҳамкорлиги анча кучайди. Аммо бу соҳада ҳали жиддий камчиликлар бор. Ўзбекистон Фанлар академиясининг биология ва қишлоқ хўжалик бўлимлари, Союзнихи жуда катта камчиликларга йўл қўймоқдалар. Улар қишлоқ хўжалигини, айниқса пахтачиликни ривожлантириш соҳасида етарли иш олиб бормаётирлар. Пахтанинг тезпишар нав'ларини яратиш проблемаси жуда секин ҳал қилинмоқда. Пахтадан мўл ҳосил олишга қаратилган комплекс агрономия тадбирлари жуда суст ишлаб чиқилмоқда. Қишлоқ хўжалиги зараркунандаларидан ва экинларининг ҳархил касалликларига қарши етарли кураш олиб борилмаётир.

Айрим илмий-текшириш институтлари ва тажриба муассасалари ўзларининг тажриба майдонларида қишлоқ хўжалик экинларидан ўз атрофларидаги колхоз ва совхозларга қараганда анчагина кам ҳосил олмоқдалар. Марказий механизация станцияси, Оқтовоқ агротехника станцияси, СоюзНИХИнинг марказий селекция станцияси, Самарқанддаги узумчилик институтининг кам ҳосил олаётганликларига нима деб баҳо бериш мумкин. Улар ўз ишларини яхшилamасалар, илғорлар тажрибасидан кенг фойдаланмасалар колхоз ва совхозларга намуна бўлаолмайдилар.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги, Пахтачилик министрлиги, Совхозлар министрлиги, Сув хўжалиги министрлиги, Ўрмон хўжалиги министрлиги ва улардаги партия ташкилотлари илмий-текшириш муассасаларининг ишлари устидан етарли назорат қилмаётирлар. Фан ютуқларини, илғорлар тажрибасини кенг пропаганда қилмаётирлар, илмий-текшириш муассасалари билан ишлабчиқариш ўртасидаги ҳамкорликни кучайтиришга етарли аҳамият бермаётирлар.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги, Совхозлар министрлиги ва илмий-текшириш муассасалари колхоз ва совхоз новаторларининг бой тажрибаларини етарли ўрганмайдилар, кенг пропаганда қилмайдилар ва уларнинг ишлабчиқаришда қўлланилишига бошчилик қилмайдилар. Колхоз ва совхозларда агро-зоотехника ўқувининг ёмон ташкил қилинганлиги, кўп вақтларда тўгараклар фақат қоғоздагина тузилиб қолаётганлиги бу министрликлар ва илмий-текшириш муассасаларини ташвишга солмайди. Шу вақтгача қадар тўгарак қатнашчилари учун адабиётлар нашр этилмаган. Тўгараклarга етарли малакага эга бўлмаган кишилар раҳбарлик қиладилар. Тўгарак ишларида кино, радио, виставка ва ҳархил кўргазмали қуроллардан жуда кам фойдаланилади.

Партия, совет ташкилотлари, Ўзбекистон ССР Пахтачилик министрлиги, Қишлоқ хўжалик министрлиги, Ўрмон хўжалиги министрлиги, Сув хўжалиги министрлиги, Озиқ-овқат саноати министрлиги, барча илмий-текшириш муассасалари, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ВКП(б) Марказий Комитетининг «Фан ютуқлари ва илғор тажрибани қишлоқ хўжалигида пропаганда қилиш ва уни кенг қўлланиш тўғрисида»ги қарорини ҳамда СССР Министрлар Советининг ҳудди шу масала юзасидан 1950 йил 19 июнъда чиқарган Қарорини бажариш учун бутун куч ва имкониятларни сафарбар қилишлари керак. Улар мавжуд бўлган камчиликларни қисқа муддат ичида тугатиб, фан ютуқлари билан ишлабчиқариш илғорларининг тажрибасини қўшиб олиб бориш, уларни кенг пропаганда қилиш ва қўлланиш асосида умумий юксалишга эришишлари лозим.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси қишлоқ хўжалигини ва айниқса унинг етакчи тармоғи бўлган пахтачиликни ривожлантириш ишига муносиб ҳисса қўшиши лозим. Фанлар академияси пахтанинг тезпишар ва юқори навларини яратиш учун, қўплаб қишлоқ хўжалик мутахассислари, фан кандидатлари, айниқса қишлоқ хўжалик фанлари докторлари тайёрлаш масаласига жиддий эътибор қилиши лозим. Ўзбекистон ССР фанлар академияси ишни шундай ташкил қилиши керакки, у ўзбек совет фанининг жанговар штабига айлансин.

Колхозларда, пахтакор совхозларда агро-зоотехника кабинетлари, деҳқончилик уйлари ташкил қилишга, уларнинг ҳар турли адабиётлар билан та'минланишига, жиҳозланишига, малакали кадрлар билан та'минланишига алоҳида эътибор берилсин. Улар қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ишига муносиб ҳисса қўшсинлар.

Маҳаллий матбуот фан ютуқлари билан меҳнат аҳлларининг ижодий ҳамкорлигига алоҳида эътибор қилиши, илғорлар тажрибасини кенг кўламда оммалаштириши лозим.

Большевиклар партияси раҳбарлиги остида, улуғ Сталин етакчилигида янги ғалабаларни қўлга киритайлик. Фан ютуқлари билан ишлабчиқариш илғорларининг тажрибасини бирга қўшиб олиб бориш асосида социалистик хўжалигимизнинг янги-янги муваффақиятларга эришувини та'минлайлик, социализмдан коммунизмга ўтиш сур'атини тезлаштирайлик.

Коммунизмнинг буюк иншоотларини қуришда актив қатнашамиз

☆

Завод цехларида

Ўзбекистон пойтахтидаги завод ва фабрикаларда Совет ҳукуматининг Амударё—Красноводск Бош Туркман канали ва Волгада электр станциялар қуриш тўғрисидаги Қарорлари қизғин муҳокама қилинмоқда.

«Под'ёмник» заводининг ишчилари бу Қарорларни катта қувонч билан қутиб олдилар. Завод коллективи ҳозир Куйбишев ГЭСи қурилиши учун муҳим топшириқни бажармоқда. Заводнинг цехларида Сталин даврининг янги қурилишларига бағишланган суҳбатлар ва йиғилишлар ўтказилмоқда.

— Бизнинг зиммамизга катта вазифа юклатилди, — деди йиғиш участкасининг мастери Ўртоқ Петров. — Заводимиз Куйбишев ГЭСи қурилиши учун лебедкалар тайёрлаш юзасидан муҳим топшириқни бажармоқда. Биз бу топшириқни муваффақият билан адо этиш, қурилишга кўпроқ а'ло сифатли механизмлар етказиб бериш учун ҳамма чораларни кўрамиз.

Заводнинг барча ишчи ва инженер-техник ходимлари улуғ қурилишларда фаол қатнашиш, табиатни ўзгартиришдан иборат сталинча гениал планни амалга ошириш ишига ўз ҳиссаларини қўшишга тайёр эканликларини айтмоқдалар. Завод коллективи шу кунларда зўр ғайрат билан меҳнат қилмоқда. Шайпов, Богославский, Орлов, Акопов, Каримов Ўртоқлар сингари жуда кўп илғор ишчилар стахановча вахтада туриб, ўз зиммаларига янги оширилган мажбуриятлар олдилар.

Ш. АЮПОВ.

БУЮК ҚУРИЛИШЛАР УЧУН БЕЛГИЛАНГАН ЮКЛАРНИ ТЎХТОВСИЗ ЕТКАЗИБ БЕРАМИЗ

Тошкент темир йўлининг ходимлари ҳукуматнинг буюк қурилишлар ҳақидаги қарорларига бағишланган йиғилишлар ва суҳбатларда табиатни ўзгартиришдан иборат катта программани амалга оширишга ҳартарафлама ёрдам беришга тайёр эканликларини изҳор қилмоқдалар.

Андижон узели ходимларининг йиғилишида алоқа дистанциясининг электр монтёри стахановчи А. Ажмяков бундай деди:

— Инглиз-америкали уруш оловини ёқувчилар шуни билиб қўйсинларки, улар совет халқининг коммунизм йўли чўққиларига голибона қадам ташлаб боришига ҳеч қачон халал беролмайдилар. Биз, темирйўлчилар, янги қурилишлар учун белгиланган юкларнинг ўз вақтида етказиб берилиши учун ҳамма чораларни кўрамиз.

Андижон депосининг донгдор машинисти Василий Куфлин социализм мамлакатининг қудратини янада мустаҳкамлаш, совет халқининг фаровонлигини тобора ошириш тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилаётганлиги учун улуғ Сталинга самимий ташаккур изҳор қилди.

☆

Дала шийпонида улуғ иншоотлар ҳақида лекция

Тошкент область Калинин районидаги генерал Раҳимов номли колхоз 5-нчи бригадасининг дала шийпони бошқа бригадаларга яқин жойга жойлашган. У жуда чиройли қилиб безатилган. Бугун дала шийпонида техника фанлари кандидати Ўртоқ Муҳамедов Бош Туркман канали ҳақида лекция ўқийди.

Агитатор Ўртоқ Каримов дала шийпонига Ўрта Осиёнинг географик харитасини олиб келди. Иш вақти тамом бўлиши билан, дала шийпонига қўшни бригадалардан ҳам пахтакорлар йиғилабошладилар.

— Америка империалистлари янги урушларга тайёрланаётган ва Қурияда тинч шаҳар ва қишлоқларни яксон қилаётган бир вақтда, — деди лектор, — бизнинг мамлакатимизда халқларнинг моддий аҳволини янада яхшилаш, социализм базасини янада мустаҳкамлаш учун қудратли гигант иншоотлар қурилмоқда, тинч қурилиш ишлари олиб борилмоқда. Сўнгра лектор, Волга ва Ўрта Осиёдаги, Днепр ва Қримдаги қудратли гигантларнинг халқ хўжалигимиз учун аҳамияти тўғрисида гапирди. У, Ўрта Осиё халқларининг сув учун олиб борган кураш тарихига ва Улуғ Октябрь революцияси натижасида эришилган тарихий муваффақиятларга қисқача тўхталиб ўтади.

Биз Катта Фарғона каналини қуришда қатнашган эдик, Бош Туркман канали Катта Фарғона каналидан 3 ярим марта каттадир. Туркман каналининг суви оқиб ерларда 12 та янги район ташкил этилади, 30 га яқин пахта заводи, 16 та ёғ заводи ва 70 га яқин МТС қурилади.

Бош Туркман каналининг ишга тушиши натижасида минг-минг гектарлаб янги ерлар очилади. Бу янги очиладиган ерлар территория жиҳатидан Австрия, Бельгия, Греция, Дания давлатларининг майдони билан тенгдир.

Колхозчилар лекторнинг лекциясидан жуда мамнун бўлдилар.

Лекция тамом бўлди. Кетма-кет саволлар тушабошлади.

— Каналда пароходлар ҳам юрадими, канал қурилганидан кейин у ернинг иқлими ўзгарадими? деган саволлар берилди.

Лектор Ўртоқ Муҳамедов колхозчиларнинг саволларига аниқ ва равшан жавоб қайтарди.

— Ўртоқ Сталинга раҳмат!—деган овозлар эшитилади.

— Янги канал қурилиши Ўртоқ Сталиннинг биз пахтакорлар тўғрисида қилаётган ғамхўрлигидир. — деди звено бошлиғи Ўртоқ Розиқов. Амудар'ё колхоз ерларига сув берар экан, Ўрта Осиё халқлари мамлакатга янада кўпроқ пахта берадилар.

Бош Туркман каналини қуриш тўғрисидаги Қарорни колхозчилар қувонч билан қутиб олдилар. Бу Қарор уларни янада фидокорона меҳнат қилишга илҳомлантирди.

Илғор теримчи Санобар Абдурасулева сўзга чиқиб, партия, ҳукуматимиз ва Ўртоқ Сталиннинг ғамхўрликларига жавобан, ҳар куни 200 килограммдан пахта теришга сўз берди.

Ҳукуматимизнинг бу қарорларидан руҳланган колхозчилар пахта йиғим-теримини Октябрь революциясининг 33 йиллиги кунигача тамомлашга сўз бердилар.

А. ШМАКОВ.

Фарғона пахтакорларининг шодлиги

Фарғона областининг пахтакорлари ССР Иттифоқи Министрлар Советининг Бош Туркман каналини қуришга ўз қассасини қўшадиган Қарорини зўр мамнуният билан маъқулламоқдалар.

— Амударё—Красноводск Бош Туркман каналининг қурилиши, — деди Охунбобоев районидаги Шверник номли колхоз а'золарининг марказий дала шийпонида бўлиб ўтган йиғилишда колхоз раиси Ўртоқ Мамажон Қиргизбоев, — Қорақум чўлининг табиатини бутунлай ўзгартириб юборади. Ана шу сталинча ғамхўрлик биз колхозчиларни янада зўр ғайрат билан ишлашга илҳомлантиради. Шунинг учун ҳам биз, пахта тайёрлаш сур'атини янада кучайтириб, йиллик планни 20 октябрьгача бажариш мажбуриятимизни оламиз.

— Улуғ доҳи номидаги Катта Фарғона каналини қурган совет халқи, — деди Олтинариқ районидаги Маленков номли колхознинг звено бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Тўтихон Қулбекова, ўз а'золари билан ўтказган суҳбатида, — янгидан қуриладиган Бош Туркман каналини ҳам муваффақиятли суратда қуришга ўз қассасини қўшади. Халқнинг орзу-тилакларини рўёбга чиқариш учун қурашаётган партия ва ҳукуматимизнинг янги Қароридан беҳад миннатдормиз. Биз, ўз звеномизда, ана шу қарорга жавобан, пахта тайёрлаш планини 10 октябрьгача бажариш мажбуриятини оламиз. Шунингдек, Улуғ Октябрь социалистич революциясининг 33 йиллиги шарафига ҳар гектар ердан 100 центнердан ҳосил тошириш ҳақидаги мажбуриятимизни ҳам бажарамиз.

Областьдаги бошқа бирнеча колхозларда, саноат корхоналарида бўлиб ўтаётган йиғинлиш ва суҳбатларда барча меҳнаткашлар Бош Туркман канали қурилишига бутун совет халқи билан биргаликда қатнашажакларини ва замонамизнинг ана шу буюк иншоти қурилишига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшажакларини айтмоқдалар.

Т. МАҲМУДОВ.

ВЦСПСда

ВЦСПС Президиуми 26 сентябрьдаги мажлисида раҳбар касаба союз органларининг ҳисоботини ва сайловини ўтказиш тўғрисидаги масалани муҳокама қилди. 1950 йил 1 декабрьдан 1951 йил 1 апрельгача касаба союзлари фабрика-завод, маҳаллий район, шаҳар, область, ўлка, республика ва марказий комитетларининг, шунингдек касаба союз область, ўлка ва республика советларининг ҳисобот ва сайловларини ўтказишга қарор қилинди.

Касаба союз органларининг ҳисобот ва сайловлари ишчилар, инженерлар, техниклар, хизматчилар кенг оммасини, фан ва маданият ходимларини халқ хўжалигини ривожлантиришда янги муваффақиятларга эришиш учун, коммунизм қуриш соҳасида большевиклар партияси ва совет халқининг йўлбошчиси Ўртоқ И. В. Сталин томонидан мамлакатимиз олдига қўйилган буюк вазифаларни амалга ошириш учун қурашга сафарбар қилиш шиори остида ўтказилиши лозим.

Касаба союз органларининг галдаги ҳисобот ва сайлови касаба союз ташкилотларининг касаба союзлари Х с'ъезди қарорларини қандай бажарганлигини ялпи текширишдан иборат бўлиши керак. Касаба союз ташкилотлари ҳисобот ва сайловларни ўтказишга тайёрланиш вақтида давлат планларини муддатидан илгари бажариш, меҳнат унумини тинмай ошириш, маҳсулот таннархини камайтириш ва маҳсулот сифатини яхшилаш учун, стахановча меҳнат усулларини ва социалистик ишлабчиқариш новаторларининг илғор тажрибасини кенг ёйиш учун, ишчи ва хизматчиларнинг маданий талабларини ва маиший эҳтиёжларига хизмат кўрсатишни яна яхшилаш учун социалистик мусобақани ҳартарафлама кучайтиришни энг муҳим вазифа деб ҳисоблашлари керак.

ВЦСПС президиуми касаба союзларининг марказий ва область комитетларига с'езд ва конференцияларга қадар айрим корхона ва районлардаги ишчи ҳамда хизматчиларнинг йиғилишларида ўз ишлари тўғрисида ҳисобот беришни тавсия қилди.

ВЦСПС Президиуми касаба союз органлари сайловини ўтказиш тўғрисидаги инструкцияни тасдиқлади.

РУМИНИЯ ДЕҲҚОНЛАРИ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДА БЎЛИШИ

28 сентябрьда Руминия халқ республикаси деҳқонлари делегациясининг а'золари 2-нчи Янгийўл таянч-намуна МТСини бориб кўрдилар. Улар электр тракторлар, пахта териш машиналари билан ҳамда станциядаги бошқа қишлоқ хўжалик машина-асбоблари билан, шунингдек ташкилий ишлар ва диспетчерлик хизмати билан батафсил танишдилар. МТС директори А. В. Мешков делегация а'золари томонидан берилган саволларга жавоблар қайтарди.

Делегатлар Янгийўл районидаги «Ҳалқобод» колхозига келиб, унинг пахта далаларида бўлдилар, энг яхши теримчиларнинг ишларини кўздан кечирдилар. Колхоз а'золари румин халқининг вакилларини самимий қутиб олдилар. (ЎзТАГ).

Совет Иттифоқида

ТЕРИМЧИ ЖА'ФАРОВА УЧ ЙИЛЛИК НОРМАНИ БАЖАРДИ

ПУШКИНО, (Озарбайжон ССР) (ТАСС). Пушкин районининг Октябрьолди мусобақасига қўшилган пахтакорлари Ўртоқ И. В. Сталинга ёзилган мактубда гектаридан 20 центнердан пахта топширамиз, деб олган мажбуриятларини 7 ноябрьгача бажаришга қарор қилдилар. Район колхозларидаги звенолардан 255 таси пахта тайёрлаш давлат планини муддатидан илгари бажариб, социалистик мажбуриятларини ҳисобидан пахта топширмоқдалар. Ленин номли колхознинг звено бошлиғи Сакина Жа'фарова эса ҳар гектар ердан 45 центнердан пахта топширди. Ўртоқ Жа'фарова тўрт йиллик нормани бажаришга киришди.

КОЛХОЗ ЕНГИЛ АТЛЕТИКАЧИЛАРИ ВА ВЕЛОСИПЕДЧИЛАРИ МУСОБАҚАЛАРИ

Колхозлардаги юз мингларча физкультурачилар ёз фаслида енгил атлетика ва велосипед юзасидан ўтказилган мусобақаларда қатнашдилар. Колхоз, район, область, ўлкалар ва автоном республикаларда мусобақалар ўтказилди.

30 сентябрьда Симферопольда РСФСРдаги колхоз велосипедчилари ўртасида биринчиликни олиш учун мусобақалар ўтказилабошлайди. Краснодарда 1 октябрьдан 5 октябрьгача Россия Федерациясидаги колхоз енгил атлетикачиларининг мусобақалари ўтказилади.

Колхоз енгил атлетикачиларининг Бутун Иттифоқ мусобақалари Краснодарда ўтказилади. Велосипедчилар мусобақалари Винницада ташкил этилади.

Енгил атлетикачилар ва велосипедчиларнинг Бутун Иттифоқ мусобақалари 15 октябрьда бошланади.



Сталинград области. Волгада қурила диган Сталинград гидроэлектростанцияси районининг кўриниши.

А. Маклецов фотоси. (ТАСС фотохроникаси).

„Кормовая база" номли янги журнал

1950 йил октябрь ойидан бошлаб «Кормовая база» («Ем-хашак базаси») номли ойлик илмий журнал (СССР Қишлоқ хўжалик министрлигининг органи) чиқабошлайди.

Журналда илмий-текшириш институтлари ва тажриба муассасаларининг социалистик чорвачиликнинг мустаҳкам ем-хашак базасини уюштиришда эришган ютуқлари ва колхоз, совхоз ҳамда МТС илғорларининг бу соҳадаги тажрибалари кенг ёритилади.

Журналда ем-хашак алмашлаб экишни жорий қилиш ва ўзлаштириш чоралари, ўтлоқ ва яйловларни яхшилаш ва турли доираларда улардан мақсадга мувофиқ фойдаланиш усуллари, кўпйиллик ва бирйиллик ўтлар, илдизи молга едириладиган ўсимликлар ва бошқа экинлардан мўл ҳосил етиштириш агротехникаси, силос бостириш ҳамда ем-хашак тайёрлаш ва бу ишларни машиналаштириш ҳамда шу сингари ишларга доир масалалар баён қилинади.

Журнал агрономлар, зоотехникларга ва қишлоқ хўжалигининг бошқа мутахассисларига ва шунингдек колхоз раисдари, совхоз ва МТС директорлари ҳамда колхоз активларига мўлжалланган. (ТАСС).

ПЛАНДАН ТАШҚАРИ ПАХТА ТОПШИРМОҚДАЛАР

ЛЕНИНОБОД, (ТАСС). Ленинобод областининг пахтакорлари бу йил пахтадан мўл ҳосил етиштирдилар. Областьдаги тайёрлаш пунктларига ўтган йилнинг шу вақтидагига нисбатан қариб ярим марта ортиқ пахта топширилди.

Тўққиз колхоз пахта топшириш давлат планини муддатидан илгари бажариб, ҳозирги вақтда пландан ташқари пахта топширмоқда. Ашт районидаги Молотов номли, Андреев номли, Тельман номли, Стаханов номли колхозлар пландан ташқари терилган пахтани қизил карвон уюштириб тайёрлаш пунктларига юбормоқдалар.

ПАХТА ЙИҒИМ-ТЕРИМИ ЮЗАСИДАН ОБЛАСТЬ КЕНГАШИ

КАХОВКА, (Херсон области). (ТАСС). Пахта териш ва пахтани давлатга топшириш масалалари юзасидан область кенгаши ўтказилди. Область пахтачилик бошқармасининг бошлиғи Ўртоқ Логвинов доклад қилди.

Ҳукуматнинг Каховка гидроузелини, Жанубий Украина ва Шимолий Қрим каналларини қуриш тўғрисидаги Қарори областьдаги колхозчиларни ғоят руҳлантириб юборди. Пахтакорлар коммунизмнинг буюк иншоотлари тўғрисидаги тарихий қарорларга жавобан пахта теримида юксак меҳнат унуми намуналарини кўрсатмоқдалар.

Кенгашда пахта теримини яхши уюштирмаган айрим районларнинг раҳбарлари танқид қилинди.

Украина ССР пахтачилик министри Ўртоқ Е. К. Алексеевский ва Украина К(б)П область партия комитетининг секретари Ўртоқ Г. Е. Гришко нутқ сўзладилар.

Кенгаш пахта йиғим-теримини муваффақиятли ўтказишни та'минлайдиган амалий тадбирларни белгилади.

И. В. СТАЛИН АСАРЛАРИНИНГ ЕТТИНЧИ ТОМИ ЛИТВА ТИЛИДА НАШР ЭТИЛДИ

ВИЛЬНЮС, (ТАСС). Литва ССР Давлат сиёсий ва илмий адабиёт нашриёти И. В. Сталин Асарларининг еттинчи томини литва тилига таржима қилиб чиқарди.

Бу асарни ВКП(б) Марказий Комитети ҳузуридаги Маркс — Энгельс — Ленин институтининг литва филиали рус тилидан таржима қилди.

Узбекистон ССР областьларида 1950 йил 28 сентябрьгача пахта тайёрлашнинг бориши ҳақида

М А' Л У М О Т

(Процент ҳисоби билан)

Областьлар	мавсум бошидан бери	бир кунлик ўсиш	Областьлар	мавсум бошидан бери	бир кунлик ўсиш
Бухоро	33,0	1,6	Самарқанд	30,6	1,7
Фарғона	43,7	2,0	Қорақалпоғистон АССР	28,0	1,5
Наманган	40,1	2,0	Тошкент	26,0	1,7
Андижон	40,1	1,8	Совхозлар	24,5	1,4
Сурхондарё	39,5	1,7			
Хоразм	37,9	1,8	Республикада ҳаммаси	37,6	1,8
Қашқадарё	35,5	1,6			

ПРОПАГАНДИСТЛАРГА ЁРДАМ

Ўртоқ Сталиннинг социалистик давлат тўғрисидаги та'лимоти

(Ўртоқ И. В. Сталиннинг «Марксизм ва тилшунослик масалалари» номли асарининг э'лон қилиниши муносабати блан)

Ўртоқ Сталиннинг «Тилшуносликдаги марксизм тўғрисида», «Тилшуносликнинг ба'зи бир масалаларига доир» ва «Ўртоқларга жавоб» деган доҳиёна асарлари марксизм-ленинизм хазинасига бебаҳо ҳисса бўлиб қўшилди. Ўртоқ Сталиннинг янги асарлари тилшуносликка бағишланган бўлсада, улар тилшунослик фани доирасидан ташқари, бошқа фанларни ҳам ўз ичига олади. Бу асарларда олға сурилган назарий қоидалар умуман марксча-ленинча назарияни бойитади, тарихчилар, файласуфлар, экономистлар, ҳуқуқшунослар, тилшунослар ва адабиётчилар учун раҳбарлик қўлланмалари бўлиб хизмат қилади.

Ўртоқ Сталин ўзининг классик асарларида революция тўғрисидаги, социалистик жамият ва давлат тўғрисидаги та'лимотни янада ривожлантирди.

☆

Давлат тўғрисидаги та'лимот марксча-ленинча назарияда муҳим ўрин тутади. Ишчилар синфининг улуғ доҳийлари Маркс—Энгельс—Ленин—Сталин томонидан ишлаб чиқилган бу та'лимот давлат тўғрисидаги бирдан-бир илмий та'лимотдир.

Ленин ва Сталин давлатнинг келиб чиқиши, синфий моҳияти, ижтимоий тараққиёт тарихидаги роли, мақсади, вазифалари, функциялари ва типлари тўғрисидаги марксистик та'лимотни ижодий равишда ривожлантирдилар. Улар давлатнинг жамият бир-бирига душман бўлган синфларга бўлиниши орқасида, эзилувчи кўпчиликни эзувчи озчилик манфаатлари учун асоратда сақлаб туриш мақсадида вужудга келганлигини исботладилар. Давлат зўрлик қуроли сифатида, ҳукмрон синфларнинг ўз синфий душманлари қаршилигини бостириб туриш учун фойдаланишда зўрлик ишлатиш ташкилоти сифатида пайдо бўлди. Ленин давлат—бир синфнинг иккинчи синф устидан ҳукмронликни сақлаб туриш машинасидир деган эди. Ўртоқ Сталин давлат—ҳукмрон синфлар қўлида ўз синфий душманларининг қаршилигини бостириш машинасидир деб кўрсатди.

Давлат синфий ҳукмронлик органи, ҳукмрон синфнинг диктаторлик қилиш органи сифатида ҳукмрон синфларга қулай ва фойдали бўлган тартибларни, усул-идорани қўриқлайди ва душман синфларнинг қаршилигини бостириб туради.

Давлатнинг келиб чиқиши ва моҳияти тўғрисидаги жуда кўп буржуа назариялари, чунончи, теологик, патриархал, шартномалар назарияси, зўрлик назарияси, психологик назария ва ҳоказолар давлатнинг келиб чиқишини илмий равишда асослаб беролмайдилар, унинг синфий моҳиятини бўяб кўрсатадилар ва буржуа давлатини абадий ҳамда синфлардан устун турган ташкилот деб исботлашга беҳуда уринадилар. Улар давлат ҳукмрон синф қўлидаги машина эканлигини, ҳукмронлик ташкилоти эканлигини инкор этадилар.

Фақат марксизм-ленинизмгина давлатнинг синфий моҳиятини илмий асосда тушунтиради.

Юқорида айтилганидек, давлат синфий ҳукмронлик ташкилотидир. Бундан унинг асосий ички функцияси — душман синфларнинг қаршилигини бостиришдан иборатдир, деган хулоса келиб чиқади.

Давлат бошқа давлатлар системасида яшайди. У бошқа давлатлар блан ўзаро муносабатда бўлади. Бундан унинг асосий бўлмаган ташқи функцияси—ўз ҳукмрон синфининг территориясини бошқалар ҳисобига кенгайтириш (эксплоататор давлатларда) ёки ўз территориясини бошқалар ҳужумидан мудофаа қилиш функцияси келиб чиқади. Давлатнинг функциялари унинг характерига, синфий моҳиятига боғлиқдир. Давлат жамиятнинг базисига асосланган устқурмадир.

Ўртоқ Сталин ўзининг тилшунослик тўғрисидаги доҳиёна асарларида базис ва устқурма ҳақидаги марксистик тушунчаларни конкретлаштиради ва янада ривожлантиради.

Ўртоқ Сталин давлатнинг тарихий типи унинг ижтимоий-иқтисодий асоси блан белгиланади, ҳархил ижтимоий-иқтисодий формацияларнинг базиси турличадир, ҳарқандай базис ўзига мувофиқ келадиган устқурмага эгадир, деб та'лим беради.

Ўртоқ Сталин «Базис жамият тараққиётининг муайян босқичидаги иқтисодий тузумдир. Устқурма—жамиятнинг сиёсий, ҳуқуқий, диний, бадиий, фалсафий қарашлари ва шу қарашларга мувофиқ келадиган сиёсий, ҳуқуқий ва бошқа муассасалардир» деб та'лим беради. Бу та'риф базиснинг тарихий, ўткинчи хусусиятга эга эканлигини уқдириб кўрсатиш блан бирга, гап умуман иқтисодий тузум устида эмас, балки жамият тараққиётининг муайян бир босқичидаги иқтисодий тузум устида бораётганлигини та'кидлайди.

Ўртоқ Сталин ҳарбир жамиятнинг базиси ўзига хос бўлгани каби, базис ҳам ўзига мувофиқ келадиган устқурмага эга эканлигини кўрсатади.

Ўртоқ Сталин устқурманинг тарихан шартли, базисга хизмат қилувчилик ролини ўйнашини уқдириб бундай дейди: «Базис шунинг учун ҳам устқурмани вужудга келтирадики, устқурма базисга хизмат қилиши керак, устқурма базиснинг шаклланишида ва мустаҳкамланишида унга актив ёрдам бериши керак, умри тугаётган эски базисни ва унинг эски устқурмасини тугатиш учун актив кураш олиб бориши керак».

Бу доҳиёна фикрлардан ишлабчиқариш муносабатларининг ҳарбир типига давлатнинг махсус тарихий типи мувофиқ келади деган хулоса келиб чиқади.

И. В. Сталин янги давр тажрибаларини умумлаштириш асосида устқурма тўғрисидаги марксизм-ленинизм қоидаларини ҳартарафлама ривожлантириб, капиталистик жамиятдаги сиёсий ва мафкуравий устқурмаларни, шунингдек социализмга хос бўлган устқурмаларни тушуниш калитини топиб беради.

Империалистлар тобора ўткирлашиб бораётган синфий курашни бўшаштириш учун чириб бораётган буржуа жамиятининг сиёсий ва мафкуравий устқурмаларини тобора кенгайтирмоқдалар, ҳарбийлаштирмоқдалар ва фашистлаштирмоқдалар. Улар кенг миқ'ёсдаги полиция ва амалдорлар аппаратини вужудга келтириб, ишчилар синфининг озодлик ҳаракатини бостириш учун махсус жазо ҳарбий қисмлари тузмоқдалар. Бутун армия, полиция, маориф ташкилотлари, матбуот, черков ва бошқа хилма-хил ташкилотлар империализм давлат аппаратининг манфаатлари учун хизмат қилмоқда. Буржуазиянинг ишчилар оммаси ичидаги агентлари бўлган мунофиқ ўнг «социалистлар» ҳам унга хизмат қилмоқдалар.

☆

Маркс—Энгельс давлатнинг синфий моҳиятини аниқлаб, социализмни ҳаёлдан фанга айлантирдилар, бинобарин, давлат масаласини тушунтиришда асосий омил бўлган синфий кураш ва бу курашнинг оқибатларини кўрсатиб бердилар. Маркс синфий курашнинг муқаррар суратда пролетариат диктатурасига олиб боришини, бу диктатуранинг ўзи эса ҳарқандай синфларни тугатишга ва синфсиз жамиятга ўтишдан иборат эканлигини кўрсатди.

«Коммунистлар партиясининг манифести»да пролетариат диктатурасининг—ишчилар синфи сиёсий ҳукмронлигининг асосий ғояси та'рифланган. Маркс бу ғояларни ривожлантириб ва Франциядаги 1848—1871 йиллардаги сиёсий курашлар тажрибасига асосланиб, буржуазиянинг давлат машинасини зўрлик асосида синдириб ташламасдан туриб, пролетар революцияси ғалаба қозоналмаслигини, пролетариат сиёсий ҳокимиятни ўрнатаолмаслигини исботлади.

Пролетариат диктатураси тўғрисидаги масала марксизм-ленинизмда бош масаладир. Чунки, капитализмдан коммунизмга пролетариат диктатурасиз ўтиб бўлмайди.

Ленин «Давлат ва революция» деган ажойиб асарида «Олға томон, я'ни коммунизмга томон ривожланиш пролетариат диктатураси орқалигина бориш мумкин» деган эди. (Асарлар, 21 том, 430 бет).

Ленин ва Сталин ҳокимият ишчилар синфига тинч йўл блан ўтиши мумкин, деб жар солган меньшевик-оппортунистлар ва социал-хоинлар юзидаги ниқобни йиртиб ташладилар.

Ўртоқ Сталин буржуа давлат машинасини синдириш тўғрисидаги марксистик та'лимотни янада ривожлантирди, буржуа давлат аппаратини синдириш социалистик революциянинг қонуни эканлигини уқдириб ўтди. Улуғ Октябрь революциясининг тажрибаси бу та'лимотнинг тўғри ва ҳаётий эканлигини тасдиқлади. Бу революция буржуа-помешчиклик давлат машинасини синдириш ва ғолибона революция жараёнида бутунлай янги демократик давлат машинасини барпо этишнинг классик намунасидир.

Ўртоқ Сталин социалистик революцияни ўтказишда пролетариат партиясининг роли тўғрисидаги Ленин та'лимотини янада ривожлантирди, коммунистлар партияси тўғрисида мукаммал та'лимот яратди.

Ўртоқ Сталин ленинизм душманларига, марксизмни сохталаштирувчи ва бузувчи оппортунистларга, меньшевиклар ва эсерларга, тескаричи буржуа социалистларига, аксилинқилобчи троцкийчилар ва бухаринчиларга қарши муросасиз курашда марксизм-ленинизмнинг давлат, пролетар революцияси, пролетариат диктатураси тўғрисидаги та'лимотини сақлаб қолди. Ўртоқ Сталин социализмнинг даставвал алоҳида олинган бир мамлакатда ғалаба қозониши мумкинлиги тўғрисидаги Ленин та'лимотини большевизм душманларига қарши шафқатсиз курашда ҳимоя қилибгина қолмай, бу та'лимотни янада бойитди ва мукаммаллаштирди.

Ўртоқ Сталин мамлакатимизда социализм қурилишининг улуғвор программасини ишлаб чиқди, социализмдан аста-секин коммунизмга ўтиш йўлларини белгилаб берди, капиталистик қуршов шароитида ҳам, СССРда коммунизм қуриш мумкинлигини исботлади. Социалистик давлат тўғрисида ўртоқ Сталин ишлаб чиққан яхлит ва мукаммал та'лимот давлат тўғрисидаги марксча-ленинча назарияда янги саҳифа очди. Ма'лумки, ўртоқ Сталиннинг XVIII партия с'ездидаги тарихий докладидан олдин марксизмнинг давлат тўғрисидаги та'лимотида ҳали етарли даражада ишланмаган ба'зибир қоидалар бор эди. Бу доклад эса мазкур масалага мукаммал аниқлик киритди, партияни ва совет халқини коммунизм учун курашда ғоят ўткир ғоявий қурол блан қуроллантирди.

Ўртоқ Сталин пролетариат диктатурасининг механизми тўғрисидаги масалани ҳартарафлама ишлаб чиқди, уни тўла-тўкис тавсифлаб берди, давлат бошқармасининг усуллари ва хусусиятларини та'рифлади, совет давлатининг дастаклари ва ҳаракатга келтирувчи воситалари қандай аҳамиятга эга эканлигини кўрсатди. Совет давлатининг механизми давлат органларидан ва турлича жамоат ташкилотларидан иборатдир.

Ўртоқ Сталин Совет давлатининг механизмидаги етакчи куч — давлатнинг асосий ва раҳбар кучи партия эканлигини, яна бу механизмда меҳнаткашларнинг оммавий ташкилотлари бўлган Советлар, касаба союзлари, кооперация, ёшлар союзидан иборат бўлган дастаклар ёки давлатни омма блан боғловчи халқалар ҳам борлигини уқдириб ўтди. Бу воситалар бўлмаса, ишчилар синфи ўз диктатурасини амалга оширолмайди. Давлатнинг раҳбар кучи партиядир, ишчилар синфининг илғор отрядидир, пролетариат диктатурасининг асосий етакчи кучидир. «Партия ҳокимиятнинг моясидир. Броқ, партия давлат ҳокимияти эмас ва партияни давлат ҳокимияти блан бир дейиш мумкин эмас» (Сталин, Асарлар, 8 том, 41 бет). Большевиклар партиясининг сиёсати совет давлатининг ҳаётий негизидир, социалистик жамият тараққиётининг асосий ва ҳал этувчи кучидир. Большевиклар партияси, Ленин айтганидек, давримизнинг ақл-идроки, шон ва шарафидир.

Ўртоқ Сталин совет давлати системасидаги қуролли кучларнинг роли ҳамда вазифаларини, янги типдаги армия, халоскор армия, халқлар озодлиги ва мустақиллигининг таянчи бўлган Совет Армиясининг ғоят муҳим хусусиятларини та'рифлаб берди.

В. И. Лениннинг буюк хизмати шундаки, у И. В. Сталин блан биргаликда ишчилар синфи диктатурасининг мақсадга энг мувофиқ ва энг яхши давлат шакли бўлган совет ҳокимиятини кашф этди. Ўртоқ Сталин Советлар тўғрисидаги та'лимотни ривожлантириб, ишчилар синфи ҳокимиятининг сиёсий ифодаси бўлган советларнинг буюк тарихий ролини, совет давлати шаклининг буржуа давлати шаклидан мислсиз устунлигини уқдириб ўтди.

Давлат ва ҳуқуқ назарияси тарихида социалистик давлатнинг учта шакли—Париж Коммунаси, Совет давлати ва халқ демократияси давлатлари ма'лумдир. Париж Коммунаси пролетариат диктатурасининг биринчи тарихий шакли эди.

Улуғ Октябрь революцияси натижасида социалистик типдаги давлатнинг иккинчи шакли бўлган совет ҳокимияти, Советлар республикаси ўрнатилди. Совет Иттифоқининг фашистлар Германияси ва империалистлар Японияси устидан қозонган оламшумул тарихий ғалабаси Европа ва Осиёнинг шарқий, шарқи-жанубий мамлакатларида халқ демократик революцияларнинг ғалабасини социалистик типдаги давлат учинчи шаклининг вужудга келишини та'минлади.

Халқ демократик революциялари ишчилар синфининг етакчилигида ва коммунистлар партиясининг раҳбарлиги остида ғалаба қилди. Бу революциялар ўз тараққиёти давомида буржуа демократик революцияларнинг вазифаларини ҳам ҳал этдилар. Броқ, бу революциялар ўзларининг ҳаракатлантирувчи кучлари, синфий моҳиятлари, сиёсий вазифалари жиҳатидан социалистик типдаги революциялардир.

Халқ демократик республикалари коммунистик партияларнинг раҳбарлигида пролетариат диктатурасининг функцияларини бажармоқдалар.

В. И. Ленин та'лим берганидек, капитализмдан коммунизмга ўтишда албатта, жуда ҳам кўп ва ҳархил сиёсий формалар бўлиши мумкин, лекин буларнинг моҳияти муқаррар суратда битта: **пролетариат диктатураси** бўлади.

Ўртоқ Сталин Лениннинг совет демократияси тўғрисидаги та'лимотини ҳам ривожлантирди. И. В. Сталин буржуа давлатларида ҳақиқий демократиянинг бўлиши мумкин эмаслигини кўрсатди. Ўртоқ Сталиннинг буржуа демократиясига берган та'рифи ҳозирги пайтда янада катта аҳамиятга эгадир. Ҳозирги пайтдаги империалистик давлатларда буржуа демократиясининг энг сўнгги қолдиқлари ҳам тугатилмоқда.

Ўртоқ Сталин ҳақиқий демократия, халқ демократияси пролетар революцияси натижасидагина амалга оширилиши мумкинлигини кўрсатади.

Масалан ўзбек халқи Октябрь революцияси туфайли ўзининг миллий, совет давлатига эга бўлиб, социалистик миллат сифатида таркиб топди, давлатни идора этиш ишларига бевосита қатнашиш имкониятига эга бўлди. Ўзбек халқи совет ҳокимияти йилларида улуғ рус халқининг узлуксиз ёрдами, большевиклар партиясининг раҳбарлиги туфайли, иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маданий ҳаётининг барча соҳаларида мисли кўрилмаган катта ютуқларга эришди. Совет Ўзбекистони саноатлашган-колхозлашган илғор республикага, маданияти, фани, адабиёти ва сан'ати гуллаб-яшнаётган ўлкага, социализмнинг Шарқдаги маш'алига айланди.

Ўртоқ Сталин партиянинг XVIII с'ездида қилган докладида совет давлати шакллари ва функцияларининг ўзгариш қонуниятларини, эски шакл ва функциялари ўрнига янги шакл ва функцияларнинг вужудга келиш жараёнини моҳирлик блан асослаб берди. Бу ўзгаришлар Совет Иттифоқининг иқтисодий, сиёсий ва маданий тараққиёт жараёнига, халқаро майдондаги шароитларга боғлиқдир. Ўртоқ Сталин совет давлатининг функциялари унинг ўсиши ва ривожланишига боғлиқ равишда ўзгаришини, унинг босқичлари блан функциялари ўртасида ажралмас бирлик ва ўзаро боғлиқлик мавжудлигини та'кидлади, совет давлати Октябрь революциясидан буён ўз тараққиётида икки босқични ўтганлигини кўрсатди.

Биринчи босқич Октябрь революциясидан то эксплоататор синфлар тугатилган пайтгача ўтган даврни ўз ичига олади. «Бу даврдаги асосий вазифа — ағдарилиб ташланган синфларнинг қаршилигини бостиришдан, мамлакатнинг интервентлар ҳужумидан мудофаа этилишини уюштиришдан, саноатни ва қишлоқ хўжалигини тиклашдан, капиталистик элементларни тугатиш учун шароит тайёрлашдан иборат эди» (Сталин, «Ленинизм масалалари», Ўздавнашр, 746—747 бетлар).

Совет давлати тараққиётининг биринчи босқичида ўз олдида турган вазифаларга мувофиқ равишда қуйидаги икки асосий функцияни амалга оширди. Биринчи функция мамлакат ичида ағдарилган синфларнинг қаршилигини бостиришдан иборат, иккинчиси эса мамлакатни ташқи ҳужумдан мудофаа қилишдан иборатдир. «Бунда яна учинчи функция ҳам бор эди—бу, бизнинг давлат органларимизнинг хўжалик-ташкилотчилик ва маданий-тарбиявий ишларидан иборат бўлиб, бу функция янги, социалистик хўжалик навдаларини ўстиришни ва кишиларни социализм руҳида қайтадан тарбиялашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган эди. Лекин бу янги функция бу даврда жиддий суратда ривожланмади» (Сталин, Ўша китоб 747 бет).

Совет давлати тараққиётининг иккинчи босқичи, шаҳар ва қишлоқдаги капиталистик элементларни тугатишдан социализм тўла-тўкис ғалаба қилган ва янги конституция қабул қилинган пайтгача ўтган даврни ўз ичига олади. «Бу даврдаги асосий вазифа, — деган эди ўртоқ Сталин,—бутун мамлакатда социалистик хўжаликни ташкил қилишдан ва капиталистик элементларнинг сўнгги қолдиқларини тугатишдан, маданий революция уюштиришдан, мамлакатни мудофаа қилиш учун том ма'носи блан ҳозирги замон армияси бўлган армия ташкил қилишдан иборат эди» (Ўша китоб, 747 бет).

Социалистик давлатнинг ўз тараққиётидаги иккинчи босқичга ўтиши унинг функцияларининг ҳам ўзгаришига сабаб бўлди. Бостириш функцияси ўрнига социалистик мулкни ўғрилар ва талончилардан қўриқлаш функцияси вужудга келди. Мамлакатни ташқи ҳужумдан ҳимоя қилиш функцияси батамом сақланиб қолди. Давлат органларининг хўжалик-ташкилотчилик ва маданий-тарбиявий ишлар функцияси сақланиб қолди ва тўла равишда ривожланди.

Биз олға қараб, коммунизмга томон ҳаракатланиб бормоқдамиз. Демак, давлатимизнинг вазифа ва шакллари ҳам янги тарихий шароитларга мувофиқ равишда ўзгариб боради. «Ҳақиқатда мамлакатимизнинг ривожланишига ва ташқи шароитнинг ўзгаришига қараб, давлатимизнинг формалари ўзгармоқда ва ўзгаради» (Сталин. Ўша китоб, 746 бет).

Ўртоқ Сталин Совет давлатининг халқ хўжалигини планлаштириш соҳасидаги ролини яққол кўрсатди. Совет давлати социалистик қурилишнинг барча соҳаларига етакчилик қилиб халқ хўжалик планларини белгилаб беради. Куйбишев, Сталинград, Каховка гидроэлектростанциялари, Бош Туркман канали, Жанубий Украина ва Шимолий Қрим каналлари қурилиши ва сувсиз ерларга сув чиқариш ҳақидаги янги қарорлар бунинг ёрқин далилидир.

Ўртоқ Сталин Совет давлати коммунистик жамият қурилишининг асосий кучи, энг муҳим дастаги эканлигини, СССРнинг иқтисодий тараққиётида ҳал этувчи роль ўйнашини уқдириб бу давлатнинг барча органларини янада мустаҳкамлаш программасини асослаб берди. Ўртоқ Сталин капиталистик қуршов тугатилмагунча социалистик давлатни ҳартарафлама мустаҳкамлаш, уни янада қудратлироқ қилиш зарур деб та'лим беради. Ўртоқ Сталин синфий курашнинг сўниши ва давлат ҳокимиятининг заифлашиши тўғрисидаги контрреволюцион «назариялар»ни қаттиқ танқид қилиб, капиталистик қуршов шароитида совет давлатининг ўлиши ҳақидаги мунофиқона «назариялар»нинг ғоят хавфли эканлигини та'кидлади. Ўртоқ Сталиннинг буюк хизмати шундаки, у давлатнинг коммунизм давридаги истиқболини ҳам белгилаб, агар капиталистик қуршов тугатилмас экан, коммунизм даврида ҳам давлатнинг сақланиб қолиши зарур эканини исботлади.

Ма'лумки, Маркс ва Энгельс давлатнинг ўлиши тўғрисидаги фикрларини баён қилаётганларида социализмнинг бир вақт ичида барча ёки кўпчилик мамлакатларда ғалаба қозониши мумкин деган мулоҳазага асосланган эдилар. Ўртоқ Сталин А. Холопов саволларига берган жавобида бу масалаларга тўхтаб бундай деди:

«Энгельс ўзининг «Анти-Дюринг» деган асарида социалистик революция ғалаба қилгандан кейин давлат ўлиши лозим деган эди. Шунга асосан, бизнинг мамлакатимизда социалистик революция ғалаба қилганидан кейин бизнинг партиямиздаги қироатхонлар ва талмудчилар партия, давлатимизнинг тезлик блан ўлиб кетиши учун, давлат органларининг тарқатиб юборилиши учун, доимий армиядан воз кечиш учун чоралар кўрсин, деб талаб қилабошладилар.

Броқ совет марксистлари, ҳозирги вақтдаги жаҳондаги вазиятни ўрганиш асосида, капиталистик қуршов мавжуд бўлган бир пайтда, социалистик революция фақат биргина мамлакатда ғалаба қозониб, қолган ҳамма мамлакатларда эса капитализм ҳукм суриб турган бир вақтда революция ғалаба қозонган мамлакат, агар бу мамлакат капиталистик қуршов томонидан тор-мор қилинмайин дейдиган бўлса, ўз давлатини, давлат органларини, разведка органларини, армиясини заифлаштирмасдан, балки уларни ҳартарафлама кучайтириши лозим, деган хулосага келдилар. Рус марксистлари, Энгельснинг формуласи ҳамма мамлакатларда ёки мамлакатларнинг кўпчилигида социализмнинг ғалаба қилишини кўзда тутади, бу формула социализм айрим бир мамлакатда ғалаба қилиб, бошқа ҳамма мамлакатларда капитализм ҳукмрон бўлиб турган бир ҳолатга тўғри келмайди, деган хулоса чиқардилар.

Равшанки, бунда биз социалистик давлатнинг тақдири масаласида бир-бирини рад қиладиган турли-турли икки формулани кўриб турибмиз.

Қироатхонлар ва талмудчилар бу ҳол масалани жуда чатоқлаштириб юборади, бир формулани мутлақо хато деб билиб, улоқтириб ташлаш, бошқа бир формулани эса мутлақо тўғри деб ҳисоблаб социалистик давлат тараққиётининг ҳамма даврларига татбиқ қилиш керак дейишлари мумкин. Лекин марксистлар қироатхонлар блан талмудчиларнинг хато қилаётганликларини билмасликлари мумкин эмас, чунки бу икки формула тўғри формуладир, лекин улар ҳамма вақт учун ҳам тўғри формула бўлмасдан, балки ҳарбири ўз замони учун тўғри формулалардир: совет марксистларининг формуласи бир мамлакатда ёки бирнеча мамлакатда социализмнинг ғалаба қозониши даври учун, Энгельс формуласи эса — айрим мамлакатларда социализмнинг бирин-кетин ғалаба қилиб бориши мамлакатларнинг кўпчилигида социализмнинг ғалаба қилишига олиб борадиган ва шундай қилиб, Энгельс формуласини татбиқ қилишга зарур шароитлар вужудга келадиган давр учун тўғридир».

Марксизм-ленинизм давлатнинг социалистик типи унинг энг сўнгги ва олий тарихий типи эканлигини илмий жиҳатдан исботлади. Социалистик давлат ва ҳуқуқ капиталистик қуршов тугатилгандан сўнг, ўз зиммасидаги вазифаларни тўла тўкис бажаргандан кейин, коммунизм узил-кесил ғалаба қозонгандан сўнг ортиқча бўлиб қолади ва ўлиб кетади.

☆

Хулоса қилиб айтганда, ўртоқ Сталин илмий коммунизмнинг революцион назариясини, коммунистик жамиятнинг ижодчиси бўлган пролетариатнинг оламшумул-тарихий роли тўғрисидаги та'лимотни, пролетар революцияси ва пролетариат диктатураси, янги типдаги партия, капитализмдан коммунизмга ўтиш даврининг қонуниятлари, давлатнинг бу даврдаги аҳамияти, роли ва вазифалари ҳақидаги масалаларни конкретлаштирди ва янада ривожлантирди.

Ўртоқ Сталин ишчилар синфи революцион курашининг бутун тарихий тажрибаларини ҳартарафлама ўрганиш ва илмий жиҳатдан умумлаштириш асосида давлат тўғрисидаги марксистик назарияни янги хулоса ва қоидалар блан бойитди, буржуа-помешчик давлат аппаратини тугатиш, янги типдаги давлат барпо этишнинг жанговар программасини ишлаб чиқди.

Ўртоқ Сталиннинг барча асарлари, шу жумладан тилшунослик ҳақидаги асарлари марксизм-ленинизм хазинасига бебаҳо ҳисса бўлиб қўшилди. Бу асарлар совет халқини ва барча мамлакатлардаги меҳнаткашларни империализмга қарши тинчлик, демократия ва социализм учун курашда қуроллантиради.

Ўртоқ Сталиннинг та'лимоти совет халқини ва чет мамлакатлардаги барча меҳнаткашларни коммунизмнинг узил-кесил ғалабасига бўлган мустаҳкам ишонч блан қуроллантиради. Бу та'лимот ғоят қудратли ва енгилмас та'лимотдир.

С. РАЖАБОВ.
Юридик фанлар доктори.

Сон-саноқсиз табриклар

Ўртоқ И. В. Сталиннинг 70 ёшга тўлганлиги муносабати блан унга сиҳат-саломатлик ва узоқ йиллар умр тилаб, самимий истакларини изҳор қилиб, қуйидаги ташкилотлар табрикномалар юбордилар:

Пенза область Мокшанск қишлоқ хўжалигини механизациялаш техникумининг ўқувчилари, ўқитувчилари, ишчи ва хизматчилари коллективи;

Краснодар ўлка клиника касалхонаси медицина ходимларининг коллективи;

«Правда Востока» газета редакцияси ходимларининг коллективи, Тошкент шаҳри;

Вологда колхоз раҳбар кадрларини тайёрлаш давлат мактабининг ўқувчилари ва ўқитувчилари коллективи;

Озарбайжон ССР Кинемотография министрлиги ходимларининг коллективи;

Сталинград область Котовский МТСининг ишчи ва хизматчилари коллективи;

Горький область Бутурлинск районидаги «Трудовик» колхозининг а'золари;

Тюмень область кўз касалхонаси ходимларининг коллективи, Тюмень шаҳри;

Барнаул шаҳридаги Марказий район саноат комбинатининг ишчилари, хизматчилари ва инженер-техник ходимлари;

Новосибирск область Веселовский районидаги Пушкин номли колхозининг а'золари;

Киев область Шполянский районидаги Киров номли колхозининг а'золари;

Боку марказий телеграф ходимларининг коллективи;

Тамбов область Шапкин районидаги Куйбишев бошланғич мактабининг пионерлари, ўқувчилари ва ўқитувчилари;

Ўзбекистон ССР Коммунал хўжалиги министрлиги ходимларининг коллективи;

Сталинград пиво заводи ишчилари ва хизматчиларининг коллективи;

Олтой ўлкаси Романовский район партия комитети;

Озарбайжон ССР Зангелин районидаги Низомий номли колхозининг а'золари;

Эстония ССР Вильянди шаҳридаги зиғир тўқув фабрикасининг ишчилари, хизматчилари, инженерлари ва техниклари коллективи;

Эстония ССР Харьюмас уездининг «Юксмеел» колхозининг а'золари;

Харьков область Петровский районидаги «Степок» зотли қўйчилик совхозининг ишчилари ва хизматчилари коллективи;

Кривой Рог музхонасининг ишчилари ва хизматчилари коллективи;

Молдавия ССР Згурицкий районидаги Жданов номли колхозининг а'золари;

Сталинград колхоз раҳбар кадрлари давлат мактаби ва колхоз раисларини қайтадан тайёрловчи олти ойлик курсининг ўқувчилари, ўқитувчилари, ишчи ва хизматчилари;

Старо-Осколь темир йўл узелининг ишчилари ва хизматчилари, инженер-техник ходимлари коллективи;

Курск «Красная звезда» инвалидлар кооперацияси артелининг а'золари ва ёлланиб ишловчи ходимлари;

Курск область Велениxи районидаги Шахов МТСининг ишчилари, хизматчилари, тракторчилари ва инженер-техник ходимлари;

Москва-Рязань темир йўли Тамбов бўлимининг ишчилари, хизматчилари ва инженер-техник ходимлари коллективи;

Куйбишев область Богатов районининг медицина ходимлари коллективи;

Горно-олтой педагогика билим юртининг ўқитувчилари ва ўқувчилари;

Хабаровск ўлкаси Бикинский шаҳар партия комитети;

Олтой ўлкаси Каменский районидаги «На страже» колхозининг а'золари;

Марказий шаҳарлараро телефон станцияси ходимларининг коллективи;

Тамбов область Богоявленск паровоз-вагон ремонти заводи ишчилари ва хизматчиларининг коллективи;

Краснодар ғишт заводининг ишчилари, хизматчилари, инженерлари ва техниклари;

Саратов область Балашов паровоз депосининг ишчилари, хизматчилари, инженерлари ва техниклари;

Сростинск ўрмон хўжалигининг ишчилари ва хизматчилари коллективи; Олтой ўлкаси;

Челябинск автотранспорт тресты корхоналарининг ишчилари, хизматчилари, инженерлари ва техниклари;

СССР Нефть саноати министрлиги Рига ёғоч ишлаш комбинатининг коллективи;

Қозоғистон ССР Ўрмон ва қоғоз саноати министрлигининг инженерлари, техниклари ва хизматчилари коллективи;

Эстония темир йўли 2-нчи бўлимининг ишчилари, хизматчилари, инженер-техник ходимлари;

Боку совет савдоси техникумининг ўқувчилари, ўқитувчилари ва ма'мурий-хўжалик ходимлари;

«Грознлес» тресты Ермолов ўрмон саноати хўжалигининг ишчилари, хизматчилари ва инженер-техник ходимлари;

Қозоғистон ССР Социал-та'минот министрлиги ходимларининг коллективи;

Бутуниттифоқ тамаки ва махорка илмий-текшириш институтининг илмий ходимлари, ишчилари ва хизматчилари коллективи, Краснодар шаҳри;

Сталино область Селидов районидаги Сталин номли колхозининг а'золари;

Сталинград область, Калинин районидаги суд ва прокуратура ходимларининг коллективи;

Астрахань областидаги Чапаев номли балиқ заводининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари;

В. П. Чкалов номли Горький инженер-қурилиш институтининг студентлари, ўқитувчилари, илмий ходимлари ва ма'мурий-хўжалик ходимлари коллективи;

Богураев нон комбинатининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари;

Украина ССР Фанлар академияси ўсимликлар физиологияси ва агрохимия институтининг илмий ходимлари, ишчилари ва хизматчилари коллективи;

7-нчи Барнаул давлат тикув фабрикасининг ишчилари, инженерлари, техниклари ва хизматчилари;

СССР Совхозлар министрлиги Дугнин қуйиш-механика заводининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари;

Полотняно — Завод қоғоз фабрикаси ишчилари, хизматчилари ва инженер-техник ходимлари ҳамда Полотняний Завод поселкасида яшавчиларнинг йиғилиши;

Калуга облпотребсоюзи савдо-кооператив мактабининг ўқитувчилари, ходимлари ва ўқувчилари коллективи;

Озарбайжон ССР Нахичеван районидаги Жданов номли колхозининг а'золари;

Ворошиловград механика техникумининг ўқитувчилари, ўқувчилари ва ма'мурий-хўжалик ходимлари;

Липецк давлат ўқитувчилар институтининг студентлари, илмий ходимлари, хизматчилари;

Озарбайжон ССР Қах районидаги Сталин номли колхоз а'золарининг умумий йиғилиши;

Эстония ССР Раквере шаҳридаги балиқ комбинатининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари коллективи;

Пинск область Телехан ўрмон саноати хўжалигининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари;

Латвия ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги ходимларининг коллективи;

Харьков область Ольховат районидаги «2-я пятилетка» колхозининг а'золари;

Олтой ўлкаси Каменск районидаги Папанин номли колхозининг а'золари;

Граждан Ҳаво Флоти Харьков аэропорти алоқа ишлари ходимларининг коллективи;

Лозовницадаги «Дели» миллий корхонасининг ишчилари ва хизматчилари коллективи, Чехословакия;

Совет-чехословакия дўстлиги союзи, Пардубице шаҳри;

Децин шаҳридаги электр саноати заводининг коммунистик ташкилоти, Чехословакия;

(Табрик телеграммалари рўйхатининг давоми газетамизнинг келгуси сонларида босилади).

Пропагандистлар учун семинар

Самарқанд область партия комитети пропагандистлар учун 15 кунлик семинар ташкил этди. Семинарга икки юздан ортиқ киши қатнашмоқда. Пропагандистлар 2 группадан иборат. 1-нчи группада район партия комитетининг инструкторлари ўқимоқда. Улар партиямиз тарихини ўрганаётирлар. 2-нчи группада эса сиёсий тўгарак раҳбарлари машғулот ўтказмоқдалар.

Пропагандистларга дарс бериш учун шаҳардаги олий мактаб ўқитувчилари ва область партия комитетининг ходимлари жалб этилган.

А. ХОЛИҚУЛОВ.

Қарор қачон бажарилади?

Ўқитувчи ўртоқ Исроилов «Сталин ҳақиқати» газетасида «Дардисар» сарлавҳали фельетон ёзиб, унда Наманган шаҳар, Калинин номли маҳалла комитетининг раиси ва шу ердаги бошланғич мактаб мудири Рустам Жўраевнинг давлатга ва маҳалла аҳолисига қилган жиноятларини фош этган эди. Фельетонда Рустам Жўраевнинг мактабга берилган қурилиш материалларидан ўзига ҳовли-жой қургани ва маҳалла аҳолисини ҳақ тўламай ишлатгани, мактабнинг томини бузиб, дарахтларини кесиб, ёғочларини ўз уйига ташиб олгани, маҳалла меҳнаткашларидан қонундан ташқари солиқлар ундириб олгани фактлар ва далиллар блан кўрсатилган эди.

Фельетон газетада босилиб чиққандан кейин Жўраев мухбир устидан сохта материаллар тўплаб, уларни область судининг секретари Файзуллаевга топширди. Секретарь ўзича суд раиси номидан имзо қўйиб, шаҳар милиция идорасига шошилинч алоқа хати ёзди ва «Исроилов устидан жиноий иш қўзғотишни» буюрди.

Шаҳар милиция идорасининг терговчиси Қосимов мухбир устидан «иш» очди.

Наманган область партия комитети шу иш ҳақида махсус қарор чиқариб, жиноятчи Рустам Жўраевни партиядан ўчириш блан бирга, уни ва мухбирни та'қиб остига олган бошқа шахсларни жиноий жавобгарликка тортишни область прокурори ўртоқ Муҳаммедовга топширган эди. Шунингдек, область судининг раиси ўртоқ Ражабовга ўз секретари Файзуллаевни ишдан олишни, терговчи Қосимовнинг ножўя хатти-ҳаракатини эса бошланғич партия ташкилотида муҳокама қилишни кўрсатган эди.

Шундан буён тўрт ойдан кўпроқ вақт ўтди. Наманган шаҳар прокурори эса Рустам Жўраевнинг ишини ҳали ҳам текширмоқда. Кейинги кунларда Рустам Жўраевнинг яна кўп кирди-корлари очилди. Область судининг раиси ўртоқ Ражабов ўз секретарини ишдан бўшатмади, терговчи Фатхуллаев эса, жиноятчи Рустам Жўраевни бир амал қилиб оқлаш тараддудига тушди.

Қизиғи шундаки, область партия комитетида Рустам Жўраевнинг қабиҳ ишлари ҳақида доклад қилган область партия комитети агитация ва пропаганда бўлимининг мудири ўртоқ Раҳмонқуловнинг ўзи ҳам шаҳар маориф бўлимининг мудири ўртоқ Назаровага, Рустам Жўраевни ишда қолдириш ҳақида буйруқ берди...

Наманган область партия комитетининг қарори қачон амалга ошади? Жиноятчи Рустам Жўраев ҳақида маҳалла меҳнаткашлари томонидан берилган шикоятни прокурор қачон текширади? Бизни мана шу масала қизиқтиради.

Социалистик мусобақани кучайтириб, пахта териш ва тайёрлаш сур'атини яна ҳам оширайлик!

Қорақалпоғистоннинг илғор районлари

ТЎРТКЎЛ. (Қорақалпоғистон АССР). (ЎзТАГ). Тўрткўл пахтакорлари Бухоро колхозчиларидан ўрнак олиб, пахта тайёрлаш йиллик планини муддатидан илгари бажариш учун ғайрат блан курашмоқдалар. Кўпгина звено тайёрлаш пунктига йиллик пландан ташқари пахта топширмоқда. Ленин номли колхознинг Шакар Салаева, Максим Горький номли колхознинг Қурбонбой Муллаев, Ражаб Турдиев бошлиқ звенолари ва бошқалар шундай илғорлардандир.

Еттимингчи ва ўнмингчи теримчилар ажойиб натижаларга эришмоқдалар. Молотов номли колхознинг стахановчи теримчиси Шарифа Худойберганова хирмонга беш минг килограмм пахта топширди, Максим Горький номли колхознинг теримчиси партия а'зоси Отабоева ҳар куни камида 150 килограмм пахта топширмоқда.

Терим ишлари кундан-кун кучаймоқда, давлатга пахта топшириш сур'ати тобора ошмоқда. «Ленинизм» колхози 24 сентябрьда йиллик планнинг 3,5 проценти, 25 сентябрьда 4 проценти миқдорида пахта топширди. Ленин номли, Каганович номли, Молоков номли ва бошқа колхозлар ҳам графикни анча ошириб бажармоқдалар. Районнинг колхозлари иккинчи даражадаги ишлардаги колхозчиларнинг сонини камайтириб, сўнгги бешкунликда яна 2000 кишини пахта теримига чиқардилар.

Колхозларнинг ва қишлоқ партия ташкилотларининг йириклаштирилиши пахта тайёрлаш сур'атига яхши та'сир қилди. Ленин номли колхознинг партия ташкилотида ҳозир 32 коммунист бор. Муҳим иш участкаларига тақсимлаб қўйилган бу коммунистлар юксак иш намуналари кўрсатмоқдалар. Юзларча агитатор колхозларда оммавий-сиёсий ишларни олиб бормоқда. Сталинча улуғ қурилишлар ва халқаро аҳвол ҳақидаги суҳбатлар колхоз, бригада ва ҳарбир пахтакор олдида турган вазифалар блан боғлаб олиб борилмоқда.

СССР Министрлар Советининг Волга, Амудар'ё, Днепрдаги катта қурилишлар ҳақидаги Қарорлари колхозчиларни янада руҳлантириб юборди. Колхозлар, бригадалар, звенолар, колхозчилар оширилган социалистик мажбуриятлар олиб, Улуғ Октябрь байрамини муносиб кутиб олиш учун мусобақалашмоқдалар.

Илғор звенонинг мажбурияти

ҚОРАСУВ, («Қизил Ўзбекистон» мухбиридан). Ворошилов номли колхознинг 3-нчи бригадасига қарашли ўртоқ Ғафура Холматова бошлиқ звено а'золари 7 гектар ернинг ҳар гектаридан 38 центнердан пахта етказиб бериш ҳақида мажбурият олган эдилар. Звено а'золари 26 сентябрьда бу мажбуриятни тўла адо этдилар.

Звено а'золари гектар бошига яна 30 центнердан пахта топшириш мажбуриятини олиб, стахановча меҳнат қилмоқдалар.

ЙИЛЛИК ПЛАННИ 10 ОКТЯБРЬГАЧА БАЖАРИШ УЧУН КУРАШМОҚДАЛАР

Бухоро областининг Қоракўл районидаги «Октябрь» колхозининг а'золари Октябрьолди социалистик мусобақасини кучайтириб, пахта йиғим-теримини кундан-кунга тезлатмоқдалар. Колхоздаги 1.120 теримчидан 1.005 киши кундалик нормасини тўла ва ошириб бажармоқда. Саври Зикриева, Малика Мустафоева каби юзлаб теримчи ҳар куни 180 — 200 килограммдан пахта термоқда.

Шунинг учун ҳам колхоз кунига йиллик планнинг 3 — 4 проценти миқдорида пахта топширмоқда. Колхознинг ўртоқ Ҳикмат Исматов бошлиқ звеноси ҳар гектар ердан 32 центнердан пахта топширди. Колхозчилар пахта тайёрлаш йиллик планини 10 октябрьгача бажариш мажбуриятини олдилар.

Ш. АМИНОВ.

Пахта йиғим-теримининг илғорлари. Суратда: (чапдан ўнгга) Чиноз районидаги «Ленин йўли» колхозининг илғор теримчиси **Ўғил Абдурайимова.** Ўртоқ Абдурайимова ҳар куни 120—140 килограмм пахта термоқда. Калинин районидаги «XVIII Партс'езд» колхозининг илғор теримчиси **Хонтўра Сандхўжаева** кунига 150 килограммдан ортдириб отбор ва биринчи сорт пахта термоқда. Ғиждувон районидаги 1-нчи МТС нинг машинада пахта терувчи стахановчиси ўртоқ **Ҳалил Аҳмаджонов** кундалик нормани 130 процент бажармоқда. Фарғона районидаги «Ёш Ленинчи» колхозининг ўнмингчи теримчиси ўртоқ **Донохон Холматова** кунига 220 килограммга етказиб пахта термоқда.

И. Глауберзон ва Шарипов фотоси.

Озарбайжон пахтакорларининг делегацияси Тошкент область колхозларининг далаларида

ТЎЙТЕПА, (Тошкент области). (ЎзТАГ). Озарбайжон делегацияси а'золаридан бир группаси тўрт кундан буён Тошкент область колхозларида бўлиб, тўртинчи кунда Ўртачирчиқ районининг колхозларида пахта тайёрлашнинг бориши блан танишди.

Озарбайжон пахтакорлари икки қардош республиканинг колхозчилари ўртасида тузилган социалистик шартноманинг бажарилишини биринчи марта ўзаро текширганларида улар Ўртачирчиқ районидаги колхозларда аҳволни қониқарсиз деб топган эдилар: чунки бу колхозлардаги [illegible] вақтда қишлоқ хўжалик зараркунандалари кўп эди. Ҳозир эса меҳмонлар колхозчиларнинг қийинчиликларни енгиб, пахтадан мўл ҳосил етиштирганликларини та'кидладилар.

«Полярная звезда» колхози а'золарининг қилган ишлари делегация а'золарида яхши та'сир қолдирди. Бу колхоздаги биринчи бригадага қарашли участкада меҳмонлар колхознинг энг яхши теримчиси, комсомол а'зоси Елена Ли блан учрашдилар. Елена Ли пахта териш нормасини ҳар куни уч марта ошириб бажармоқда. Колхоз правлениеси, партия ва комсомол ташкилотлари колхоз далаларининг энг яхши стахановчиси тажрибасини оммалаштириш учун барча чораларни кўрганлар. Партия ташкилотининг топшириғи блан агитатор коммунист Ким [illegible] Елена Линнинг иш методини батафсил ўрганиб, сўнгра бу методларни «Жанговар варақалар»да батафсил ёритган ва бирнеча бор колхоз радиоузели орқали ҳаммага эшитдирган.

Ўзаро текшириш бригадасининг а'золари яна бирқанча бошқа илғор колхозларнинг ишига яхши баҳо бериб, шу блан бирга Ўртачирчиқ район пахтакорларининг умуман йиғим-терим ишларида орқада қолаётганликларини ҳам кўрсатиб ўтдилар. «Северний маяк» колхозида, Свердлов номли колхозда ва бошқа ба'зибир колхозларда мавжуд меҳнат ресурсларидан тўла фойдаланмаётирлар, пахтанинг сортлари аралаштириб юборилмоқда. Меҳмонлар бригада ва звено бошлиқларининг пахта йиғим-терим сифати устидан суст назорат қилаётганликларини ҳам та'кидлаб ўтдилар.

Ўртачирчиқ районининг пахтакорлари ўртоқларча танқид қилганликлари учун делегация а'золарига ташаккур изҳор қилдилар ва аниқланган барча камчиликларни энг қисқа вақт ичида йўқотишга ва'да бердилар.

Китоб районида ҳамма куч пахта теримига сафарбар қилинган эмас

(«Қизил Ўзбекистон»нинг Қашқадар'ё область мухбиридан)

Китоб райони ҳар куни йиллик планнинг 3—4 проценти миқдорида пахта териб топшириш имкониятига эга. Илғор колхозларнинг иш тажрибаси буни очиқ кўрсатиб турипти. Қуйи Оқбой қишлоқ советидаги «МТС» ва Куйбишев номли, Сталин қишлоқ советидаги Охунбобоев номли колхозлар ҳар кун 3 ярим—4 процентдан пахта топширмоқдалар. Бу колхозларда ҳамма имконият пахта йиғим-теримига сафарбар қилинган. Колхозчилар ўртасида меҳнат интизоми мустаҳкам. Социалистик мусобақа тобора қизитилмоқда.

Аммо райондаги кўпчилик колхозларда меҳнат ёмон уюштирилган. Колхозчилар пахта йиғим-теримига тўла тортилган эмас. Теримчиларнинг талай қисми далага кеч чиқиб, эрта қайтади. Шунинг учун ҳам районда пахта тайёрлаш юзасидан берилган график 50 процент ҳам бажарилмаётир.

Ба'зи колхоз раислари теримнинг судралишига пахтанинг яхши «очилмаган»лиги баҳона қилиб кўрсатмоқдалар. Биз пахтаси «очилмаётган» Пахтаобод қишлоқ советидаги «Қизил шарқ» колхозида (раиси ўртоқ Аҳмедов) бўлдик ва табелларни кўздан кечирдик.

Рисолат Шамсиева, Муқима Ваҳобова, Ширин Муҳаммадиева, Санобар Облоқулова каби 30 лаб илғор теримчи ҳар кун 110—120 килограммдан пахта термоқда. Колхоз ана шундай пешқадамлар ҳисобигагина ҳар куни 14—15 тоннадан пахта топшираётир. Бу тайёрланаётган пахта график бўйича ҳар куни топширилиши лозим бўлган пахтанинг 60 процентини ҳам ташкил қилмайди. Колхозда йиллик пахта тайёрлаш плани энди 24 процент бажарилди.

Илғор теримчилар тажрибаси бу колхознинг теримда бунчалик судралишига пахтанинг очилмаётгани эмас, балки колхозчилар ўртасида меҳнат интизомининг бўшлиги сабаб эканини кўрсатади. Теримга ажратилган 322 кишидан фақат 250—260 киши далага чиқади. Колхозда ишга кеч чиқиб, эрта қайтиш ҳоллари авж олган. Шунинг учун ҳам Икрома Муҳаммадиева, Офтобой Усмонова каби 150 дан ортиқ теримчи кундалик норманинг 40—50 проценти миқдорида пахта теради. Муслима Йўлдошева, Турсунова сингари 20 лаб колхозчи теримга мутлақо қатнашмайди.

Шу қишлоқ советидаги «Қизил Октябрь» колхозининг даласида пахта оппоқ очилиб ётипти. Наввот Туробова, Рухсат Сатторова, Муяссар Исмоилова ўртоқлар ҳар кун 130—135 килограмм пахта термоқдалар. Лекин уларнинг икки қўллаб пахта теришдаги тажрибалари оммалаштирилмаётир. Социалистик мусобақа шартлари қоғозда қолиб кетган. Колхоз правлениеси (раиси ўртоқ Эргаш Мўминов) Сатти Исаев, Сайим Муҳаммадиева, Норзулла Икромов, Ўрмон Шокиров каби теримга истаса қатнашиб, истамаса қатнашмаётган интизомсиз колхозчиларга нисбатан чора кўрмаётир. Вақтида териб олинмаётганидан пахта ерга тўкилиб нобуд бўлаётган бўлса ҳам, ўртоқ Мўминов сра ташвишланмаётир.

Йирик пахтакор колхозлардан ҳисобланган бу икки колхозда содир бўлаётган хато ва камчиликлар районнинг бошқа кўп колхозларида ҳам бор. Шу блан бирга, Китоб районида пахтани саноат сортларига ажратиб териш қоидаси ҳам бузилмоқда. Сталин қишлоқ советидаги Ворошилов номли колхоз правлениеси (раиси ўртоқ Тошматов) теримчиларни уч хоналик этаклар блан та'минлаган эмас. Теримчилар пахтани кўйлакларининг этакларига, қўйинларига, челак ва саватларга терадилар ҳамда сортларни аралаштириб юборадилар.

Колхоз ҳали 5 процент ҳам отбор сорт пахта топширгани йўқ. Хомлиги учун, колхознинг пахтасини пункт кўп лаб қайтариб юбормоқда. 23 ва 24 сентябрь кунлари колхознинг 10 қанор пахтаси пунктдан қайтарилди.

Колхозларда терилган пахта пунктларга тез-тез топширилмаётир. Колхозларда йиллик планнинг 3 проценти миқдорида пахта тўкилиб ётипти. Калинин қишлоқ советидаги «Қизил юлдуз», Қуйи Оқбой қишлоқ советидаги Карл Маркс номли ва бошқа кўп колхозларда жуда кўп пахта тўпланиб қолган. Бунинг сабаби—районда транспорт воситаларининг пахта топширишга сафарбар қилинмаганидир. Район колхозларидаги от-араваларнинг 30 процентдан ортиқроғи бошқа ишлар блан банд. Ғаллакор колхозларда 100 дан ортиқ от-арава шу кунларда бекор турипти. Лекин уларни пахта ташишга сафарбар қилишни район ташкилотлари ўйлаб кўрмаётирлар.

Қашқадар'ё область, Китоб районида пахта тайёрлаш сур'атининг сўнгги кунларда яна ҳам бўшашиб кетишига ана шулар сабаб бўлмоқда.

Район партия комитетининг ҳарбир бюро мажлисида пахта тайёрлашнинг бориши ҳақида масала муҳокама қилинади. Лекин бюро пахта териш ва топшириш сур'атининг бўшлигини қайд қилишдан нарига ўтмаётир. Қарорнинг ижроси учун большевикча кураш уюштирилган эмас.

Китоб район колхозлари йиллик пахта тайёрлаш планини Октябрь революциясининг 33 йиллиги кунигача бажариш мажбуриятини олганлар. Бу мажбуриятни ўташ учун барча куч ва имкониятни йиғим-теримга тўла сафарбар қилиш, илғорлар тажрибасини оммалаштириш, пахтанинг чўкиб қолиши ва нобуд бўлишига йўл қўймаслик зарур.

М. БОБОШ.

Киров номли колхозда

Колхоз қишлоғининг кувноқ оқшоми бошланди. Қуёш секин-аста қизғиш зарраларини сочиб, кўздан ғойиб бўлди. Колхоз электр станцияси қишлоқни ёритабошлади. Кўча-кўйлар, чойхона ва хонадонлар, клуб, қироатхоналар, шифохона, мактаб, болалар боқчалари, қисқаси ҳамма ерда Ильич чироқлари порламоқда. Радио карнайларидан эшитилган завқли шўх куйлар янги меҳнат зафарларига чақирмоқда.

Колхоз чойхонасида тажрибакор деҳқон, раис Саттор Бобоқулов бизга ғоят камтарлик блан ўз колхозининг ишлари ва эришган ютуқлари тўғрисида ҳикоя қилиб берди.

— Колхозимиз, — деди ўртоқ Бобоқулов, — 1931 йилда 80 хўжаликдан ташкил топган эди. У пайтда Сачокиболо қишлоғига келсангиз, бу ерда ҳозирги қурилишларнинг бирортасини ҳам кўрмаган бўлур эдингиз. Колхозчиларимиз ўз артелларининг хўжалигини юксалтириш учун ғайрат ва фидокорлик блан меҳнат қилдилар. Колхозимиз тез орада фақат Комсомол районида эмас балки бутун Самарқанд областида илғор колхозлар қаторига ўтиб олди. Колхозимиз қишлоқ хўжалигининг деярлик ҳамма тармоқлари пахтачилик, узумчилик, асаларичилик, шунингдек паррандачилик ва сабзавотчилик соҳасида йилдан-йилга катта-катта ютуқларга эришмоқда. 1949 йилда узумдан мўл ҳосил етиштирганлик учун колхозимизнинг 7 а'зосига Социалистик Меҳнат Қаҳрамони деган фахрли унвон берилди.

Шуни ҳам айтиш керакки, колхозда ер карталарининг кичик ва ишчи кучининг кам бўлиши артелнинг қишлоқ хўжалиги соҳасида янада зўр сур'атлар блан олға томон юришига тўсқинлик қилиб қолди. Шу йил колхозга Тойлоқ қишлоқ советидаги Каганович номли, Равот қишлоқ советидаги «1 Май» ва Сталин номли колхозлар бирлашди. Шундай қилиб, Киров номли колхознинг пахта майдони энди 400 гектарга, узум боғлари 66 гектарга етди. Бу блан колхозда механизациядан унумли фойдаланишга, колхоз хўжалигининг ҳамма соҳаларини бир текис ривожлантиришга кенг йўл очилди.

Колхоз бу йил 382 гектар пахта ерининг ҳар гектаридан 18 ўрнига 28 центнердан ҳосил топшириш мажбуриятини олган. Бундан ташқари, давлатга 715 тонна узум, 174 тонна майиз, 1500 центнер картошка, 500 центнер сабзавот ҳосили топшириш керак.

Колхозда 40 га яқин партия а'зо ва кандидати бор. Коммунистлар партия мажлисининг қарорига мувофиқ, бригада ва звеноларга тўғри бириктилиб қўйилган. Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари ўртасида колхознинг 5-нчи бригада бошлиғи коммунист Хусан Ҳакимов, 12-нчи бригада бошлиғи Наби Аҳмедов ўртоқлар колхоз хўжалигини кўтаришда, социалистик мусобақани қизитишда ҳақиқатда ҳам ғайрат ва ташаббускорлик намуналарини кўрсатмоқдалар.

Колхоз партия ташкилоти йиғим-терим даврида олиб бориладиган сиёсий-оммавий ишлар планига эга. Шу планга мувофиқ ҳарбир коммунистга партиявий топшириқлар бериб турилади ва топшириқларнинг қанчалик бажарилиши устидан назорат қилинади.

Шу чеча-кундузда партия ташкилоти партия ўқувини бошлашга зўр тайёрлик кўрмоқда.

Коммунистлар ўзларининг билим даражаларига қараб уч группага бўлинди. Биринчи группа «ВКП(б) тарихи қисқа курси»ни ўрганади, иккинчи группа сиёсий тўгаракка қатнашади, учинчи группада коммунистлар ўз саводларини чиқариш устида ишлайдилар.

Партия ташкилоти қишлоқ хўжалиги соҳасида ишлаётган коммунистларнинг илғорлик рольларини ошириш учун курашмоқда. Масалан, партия а'зоси Шоди Қурбонов бу йил ўз звеносидаги 8 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 80 центнердан ҳосил топшириш учун йиғим-терим кампаниясини борган сари қизитмоқда. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Наби Аҳмедов партия мажлисида сўзга чиқиб, бу йил ўзи бошчилик қилаётган бригаданинг 40 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан камида 45 центнердан ҳосил топшириш мажбуриятини олди. Ҳозир етишган ҳосил эса колхоз бўйича олинган мажбуриятларни тўла ва ошириб бажариш имкониятини беради.

Колхоз бирлашгандан кейиноқ дарҳол 3 та ғишт хумдони қурилди. Бу хумдонлар ҳар ойда 100 мингдан ғишт пиширмоқдалар. Бу эса колхозчилар учун янги уй-жойлар қуришга тўла имконият беради. Бундан ташқари, колхоз бирлашиши блан, бутун бригада ва звеноларни бир-бирига боғловчи ва колхозни эса район марказига боғловчи кенг тош йўл қурилди. Барча бригадаларда шийпонлар қурилиб, у ерларга телефон ва радиолар ўрнатилди. Радиоузел кенгайтирилди. Қиш-ёз баравар ишлайдиган 9 хоналик болалар яслиси қурилди.

Колхозда ҳаммаси бўлиб 25 та пахтачилик бригадаси ва 146 та звено бор. 45 та звено бу йил ҳар гектар ердан давлатга 75 центнергача етказиб пахта ҳосили топшириш учун йиғим-терим кампаниясини борган сари қизитмоқда. Колхоз партия ташкилотининг ташаббуси блан барча бригада ва звенолар ўртасида пахта тайёрлаш планини Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 33 йиллик куни — 7 ноябрьгача тўла бажариш учун кураш борган сари қизимоқда. Колхозда пахта терими ишларига 550 киши ажратилган. Буларнинг ҳаммаси ҳар куни пахта теримида иштирок қилиб, нормани ошириб бажармоқда. Стахановчи теримчилардан Санобар Файзиева, Шарофат Сувонова, Ҳанифа Раҳмонова, Ҳайдар Эшонқулов сингари еттимингчилар ташаббусига қўшилган 145 киши кундалик терим нормасини бир ярим-икки марта ошириб бажармоқда.

Буларнинг ҳаммаси колхозчиларнинг давлат олдида олган мажбуриятларини 7 ноябрьгача тўла ва ошириб бажариш имконияти борлигини кўрсатади.

Акмал ПЎЛАТ.

Қурияда агрессия тайёргарлигини фош қилучи ҳужжатлар

ПХЕНЬЯН, 26 сентябрь. (ТАСС). Қурия матбуоти Қурияда агрессия тайёргарлигини фош қилучи ҳужжатларни босиб чиқаришни давом этдирмоқда.

Қурия матбуотида Ли Син Маннинг хати, шунингдек лисинманчилар маслаҳатчиси Пен Ку Еннинг хати ва бу хатга илова қилинган лисинманчилар блан Америка Қўшма Штатлари ҳукумати ўртасидаги шартнома лойиҳаси э'лон қилинди. Бу хатлар ва шартнома лойиҳаси лисинманчиларнинг Америка Қўшма Штатларидаги ҳукмрон доираларнинг актив ёрдами блан Қурия халқ демократик республикасига қуролли ҳужум тайёрлаганликларини исбот этади. Ли Син Маннинг 1949 йил 30 сентябрьда Қўшма Штатлардаги ўз вакили Роберт Оливерга ёзган ва э'лон қилинган хатида қуйидагилар айтилади:

«Мен сизнинг хатларингизни олдим ва бу хатларни юборганлигингиз учун сизга ташаккур изҳор қиламан.

Мен бу ерда ҳам, Америкада ҳам воқиаларнинг ўзгариб турганлиги тўғрисида ўз фикримни вақт-вақт баён қилиб туриш учун фурсат топишни истар эдим. Мен шу вақтгача бундай имкониятта эга бўлмадим. Аммо мен эндиликда мамлакатимиздаги вазият ҳақида сизга қисқача сўзлаб бермоқчи бўламан. Агрессив чоралар кўриш ва шимолдаги коммунистик армиянинг бизга хайрихоҳ қисми блан бирлашиш, сўнгра бу армиянинг қолган қисмини йўқ қилиш учун ҳозир психологик жиҳатдан энг қулай пайт келганлигига иймоним комилдир. Биз Ким Ир Сенга қарашли одамларнинг бир қисмини тоғлик районга суриб қўйиб, шу районда уларни оч қолдириб ўлдирамиз. Шундай қилганимизда мудофаа линиямиз Тумынь ва Ялуцзян дар'ёларини бўйлаб ўтади ва бизнинг аҳволимиз анча яхшиланади. Агар етарли миқдорда аэропланларга, ана шу икки дар'ё этагида икки ёки учта тезюрар ҳарбий денгиз кемасига, шунингдек бутун қирғоқ линиясини, шу жумладан Чечжудо оролини ҳимоя қиладиган ҳарбий аэропланларга эга бўлсак, Пектусан тоғлари ва дар'ё бўйидаги табиий мудофаа линиясини ҳеч ким ололмайдиган ҳолга келтириш мумкин. Қурияликлар ана шу мудофаа линиясидан икки минг йил мобайнида доим фойдаланиб, ўз миллатини император Таннинг, император Суйнинг буюк забтларидан, мўғуллар ва японларнинг ҳужумларидан ҳимоя қилиб келдилар...

Мен бу аҳволни элчи Тянга ва элчи Чога (Тян Мен ва Чо Бион Ок — лисинманчиларнинг Америка Қўшма Штатларидаги «элчилари». — **Редакция**) жуда аниқ ва ишонтирарли қилиб тушунтириб беришингизни ва бу хатни уларга кўрсатишингизни истар эдим. Бизларнинг ҳаммамиз осойишта иш олиб борамиз: сиз Вашингтонда ва Нью-Йоркда икки элчимиз ва бошқа дўстларимиз блан биргаликда, бизлар эса Сеул ва Токиода осойишта иш олиб бориб бир мақсадга интиламиз. Бу мақсад — мамлакатни тозалаш ва ўз юртимизда тартиб ўрнатиш учун бизга рухсат беришларига эришишдан иборатдир. Бир вақтлар Черчилль ишлатган эски бир иборани келтираман. Бу иборада: бизга қурол берингиз, бутун иш юришиб кетади, дейилган. Америкадаги давлат арбобларини ва жамоатчиликни ҳаракат қилабошлашимизга ва ўз программамизни бажарабошлашимизга индамай рози бўлишга, шунингдек биз учун зарур бўлган бутун моддий ёрдамни беришга кўндирингиз. Биз қанчалик кўп кутсак, бу ишни бажариш шу қадар қийинлашади.

Агар бизга шу ишни қилиш учун рухсат берадиган бўлсалар, бу масалани мақсадга мувофиқ қисқа вақт ичида ҳал этаолишимизга аминман.

Бу гапларнинг ҳаммасини ғоят ишонарли баёнотингизда тушунтириб бергайсиз. Та'сири кучли кишилар блан эҳтиёт блан алоқа боғлангиз ва уларнинг сизга ёрдам беришига эришингиз. Агар сиз юқорида айтилган гапларнинг ҳаммасини президент Трумэнга ма'лум қилаолсангиз, фикримча, бирмунча кутилган натижаларга эришиш мумкин бўлур эди».

Газеталар Ли Син Маннинг ташқи сиёсат масалалари юзасидан маслаҳатчиси Пэн Ку Ен томонидан 1949 йил 18 апрельда Қурия—Америка шартномаси лойиҳаси тўғрисида Ли Син Манга ёзилган хатнинг қуйидаги текстини ҳам келтирадилар:

Қадрдон президент! Бу хатга қўшилган илова иттифоқ бўлиш тўғрисида Қурия блан Америка ўртасида тузиладиган шартнома хомаки лойиҳасининг охирги қисмидир. Бу лойиҳанинг мазмунини ғоят сир сақлаш учун, мен уни тузиб чиққанимдан кейин ўз қўлим блан машинкада қайтадан босдим. Агар бу лойиҳани бирор даражада бўлса ҳам мақбул деб топмасангиз, уни йиртиб ташлашингизни сўрайман. Иккинчи томондан, агар сиз бундай шартноманинг тузилишини хоҳласангиз, музокара бошлашнинг биринчи қадами сифатида бу шартномани Муччо жаноблари блан (Америка Қўшма Штатларининг Жанубий Қуриядаги элчиси. — **Редакция**) хусусий зиёфат вақтида муҳокама қилиш керак. Лос-Анжелосда бўлган вақтимда бу тўғрида Дин Ачесон жанобларига ёзганлигимни унга айтингиз. Сиз бунга қўшимча қилиб, лойиҳанинг мазмуни ўтган йил декабрь ойида юборилган хат блан президент Трумэнга ма'лум қилинганлигини ҳам унга айтаоласиз. Муччо жаноблари Қурия — Америка—Россия масаласида сизнинг фикрингиздан ёки менинг фикримдан бошқача фикрда бўлса, масаланинг шу тарзда муҳокама қилинабошлаши сизни қийин аҳволдан қутқазади.

Америка Қўшма Штатлари блан Жанубий Қурия қўғирчоқ ҳукумати ўртасидаги шартнома лойиҳасида қуйидагилар айтилади:

«Уруш бошланиш хавфи яқин қолганида аҳдлашучи олий томонлар мудофаа қилиш учун дарҳол биргаликда зарур чораларни кўрадилар. Уруш бошланган ёки уруш хавфи яқинлашиб қолган тақдирда Қурия республикаси президенти жаноб олийларининг ёрдами Қурия территориясида Америка Қўшма Штатлари президенти жаноб олийларига бутун имкониятларни беришдан ва қўлидан келган бутун ёрдамни кўрсатишдан, шу жумладан темир йўллар, дар'ёлар, портлар, аэродромлар ва алоқа воситаларидан фойдаланиш имконини беришдан иборат бўлади». (4-нчи модда).

«Уруш бошланган ёки уруш хавфи яқинлашиб қолган тақдирда Америка Қўшма Штатлари президенти жаноб олийларининг ёрдами Қурия территориясида Қурия республикаси президенти жаноб олийларига қўлидан келган ҳамма имкониятларни беришдан, шу жумладан Америка Қўшма Штатларининг қуролли кучларини, ленд-лиз (қарзга ва ижарага бериш) тартибида ўз яроғ-аслаҳа, озиқ-овқат, ҳарбий кемалари ва аэропланларини беришдан, шунингдек Қурия республикасининг қуролли кучларини тузиш ва тайёрлаш учун иловада кўрсатилганига мувофиқ граждан мутахассислар ва ҳарбий мутахассислар беришдан иборат бўлади». (5-нчи модда).

«Аҳдлашучи олий томонлар Қуриядаги ички тартибни сақлаш учун жавобгарлик ва ушбу шартноманинг 5-нчи моддасидаги қоидаларга мувофиқ Қурияни ташқи агрессиядан ҳимоя қилиш учун жавобгарлик Қурия республикаси президенти жаноб олийлари ихтиёрида қолади деб шартлашдилар. Лекин шунга қарамай, Америка Қўшма Штатлари президенти жаноб олийлари ҳарқандай шароитда америка қуролли кучларининг мавжуд алоқа йўлларини доим ҳимоя қилиш ва сақлаш аҳдлашучи олий томонларнинг умумий манфаатларига мувофиқ бўлади деб э'тироф этади. Шу мақсадда ва Америка Қўшма Штатлари президенти жаноб олийларининг ушбу шартномадаги 4-нчи моддага мувофиқ олган мажбуриятларининг бажарилишини енгиллаштириш учун Қурия республикаси президенти жаноб олийлари мамлакат ичкарисидаги ёки унинг ташқарисидаги ҳарбий базаларни, я'ни Америка Қўшма Штатлари президенти жаноб олийлари томонидан белгиланган ҳарбий базаларни уруш даврида унинг ихтиёрига бериш мажбуриятини олади...

... Сўнгра Қурия республикаси президенти Америка Қўшма Штатлари президенти жаноб олийларига ушбу шартнома шартларига мувофиқ, уруш даври мобайнида Қурия территориясида ҳам, Қурия сувларида ҳам ўзининг қуролли кучларини сақлаш ҳуқуқини беради...» (6-нчи модда). «Сўнгра, озодлик уруши Хитой коммунистлар партиясининг Қурияга қиладиган ҳужумига жавобан Маньчжурия территориясида давом эттирилиши лозим бўлган тақдирда, Америка Қўшма Штатлари Президенти жаноб олийлари озодлик урушини тўла ғалаба қилгунча давом этдиришда Қурия республикаси президенти жаноб олийларига ёрдам беради деб э'тироф этилади ва шу нарса кўзда тутилади. Қурия республикаси президенти ҳам, Қурия республикаси учун асосий аҳамиятга эга бўлган Шимолий Қурияни тиклашдан ташқари, Маньчжуриядаги ва Шарқий Хитойнинг бошқа қисмларидаги табиий бойликларни ривожлантириш ишларини Қўшма Штатлар блан Қуриянинг бирлашган бошқармаси ихтиёрига топшириш мажбуриятини олади». (7-нчи модда).

РЕДАКЦИЯГА ХАТ

Бизни радио эшитишдан маҳрум қилиб келаётирлар

Артелимиз республика ҳунармандчилик кооперацияси системасида энг йирик артеллардан бири. Ҳунармандларимиз 1950 йилда тинчлик вахтасида ишлай бошлаб, республика маҳаллий саноатида энг йирик бўлган ип-урчуқ фабрикасини қуриб, ишга тушириш арафасида туриптилар. Шу муносабат блан цехларимиз кўпайди, артель а'золарининг сони 900 кишига етиб қолди.

Ана шу катта коллективнинг ҳарбир а'зоси радио тинглашни, цехда ҳам, уйда ҳам коммунизм жамияти сари олға қараб бораётган она-Ватанимиздаги кундалик воқиа ва ҳодисаларни билиб туришни истайди.

Афсуски, ҳунармандларимизнинг бу талаби 9 ойдан бери амалга ошмай келаётир. Бундан 9 ой илгари артелимиз ўзининг махсус радио станциясига эга эди. Ҳамма цех ва 30 дан ошиқ хонадон радиолаштирилган ҳам эди.

Броқ шаҳар радио эшитдириш станциясининг бошлиғи ўртоқ Макрушин келиб, «артельнинг махсус радио станциядан фойдаланишга ҳаққи йўқ, бу ишни шаҳар радио станцияси бажариши керак», деди. Шундан бери 9 ой ўтди, аммо цехлар ва хонадонлар ҳамон радио эшитолмай келмоқда.

Бу орада артель партия, комсомол ва касаба союз ташкилотлари ҳамда маданий-оқартув бўлимининг раҳбарлари ўртоқ Макрушинга қайта-қайта учрадилар. Ўртоқ Макрушин радио симлари тортиш учун ёғоч талаб қилди. Артель правлениеси бунга ҳам рози бўлди. Лекин иш бошланмади.

Хулоса қилиб айтганда, Наманган шаҳар радио эшитдириш станциясининг раҳбарлари мавжуд радиостанциямизда ишни тўхтатиб қўйганларидан бери ўтган 9 ой давомида бизни радио эшитишдан маҳрум қилиб келмоқдалар.

А. ҚИРҒИЗБОЕВ.
Наманган шаҳридаги «Бешйиллик» артели партия ташкилотининг секретари.

Ш. ХОЛМИРЗАЕВА.
Артель раисининг маданий-оқартув ишлар бўйича муовини.

Босилмаган хабарлар изидан

Редакциямизга келган бир хабарда Тошкент область, Чиноз районининг энг йирик қишлоқларидан бири бўлган Яллама қишлоғини обод қилишга қишлоқ совети ва колхоз раҳбарлари етарли э'тибор бермай келаётганликлари кўрсатилган эди.

Меҳнаткашлар депутатлари Чиноз район Советининг ижроия комитети бу хабар юзасидан текшириш ўтказиб, унда кўрсатилган фактларни тўғри деб топди.

Яллама қишлоғини обод қилиш масаласи қишлоқ советининг сессиясида муҳокама қилинди. Яллама қишлоғидаги Юсупов номли колхоз а'золари учун 20 гектар жой ажратилди ва у ерда янги колхоз қишлоғи қуриш ҳақида колхоз правлениесига тегишли кўрсатмалар берилди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг бешинчи сессияси

26 сентябрь кундузги ялпи мажлис

НЬЮ-ЙОРК, 26 сентябрь. (ТАСС). Бош Ассамблеянинг кундузги ялпи мажлисида Бош Ассамблеянинг кун тартибини муҳокама қилиш давом этди.

Совет вакили Арутюнян кун тартибидаги 30-нчи модданинг «радио сигналлар ёрдами блан халақит бериш» деб аталган қисмини чиқариб ташлашни талаб қилди. Арутюнян бу масала Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ахборот эркинлиги масаласи блан шуғулланучи комиссиясининг Уругвайда ўтказилган мажлисида, шунингдек Иқтисодий ва Ижтимоий советнинг Женевада ўтказилган сўнгги сессиясида муҳокама қилинганлигини айтди. Арутюнян бу иккала орган ғайри қонуний составда масалани муҳокама қилиб, унинг юзасидан тавсияномалар қабул қилганлигини эслатиб ўтди. У мазкур мажлисларда Совет Иттифоқи, Польша ва Чехословакия вакиллари қатнашмаганлигини, шунингдек мазкур мажлисларда гоминданчилар вакили ғайри қонуний равишда қатнашганлигини айтди. Арутюнян, ана шунинг учун Совет Иттифоқи шу кенгашларда қабул қилинган қарорларни қонуний деб танимайди, деди.

Арутюнян, бу масалани кун тартибига киргизишга интилаётган кишилар Бош Ассамблеяни бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашиш мақсадида бу масалани беҳуда муҳокама қилишга мажбур этмоқчи бўладилар, деди.

Белоруссия вакили СССР делегациясининг сўзини қувватлади.

Совет вакили келтирган далиллар аниқ ва рад этиб бўлмайдиган далиллар бўлишига қарамай, овозга қўйиш ёрдами блан 30-нчи модда тўла равишда кун тартибига киргизилди.

Кун тартибига киргизиш учун таклиф этилган «Бирлашган Миллатлар Ташкилоти а'зоси бўлган мамлакатларнинг ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳузуридаги махсус муассасаларнинг Испания блан муносабатлари» тўғрисидаги масала юзасидан мунозара бўлди. Испанияда фашистлар усул идорасини мустаҳкамлашга ва Бош Ассамблеянинг 1946 йилда қабул қилинган ҳамда Франко усул идорасини қоралаган резолюциясини бекор қилишга интилаётган делегациялар бу масаланинг кун тартибига киргизилишини қувватладилар.

Доминикан вакили бу масаланинг кун тартибига киргизилишини талаб қилиб, халқаро вазиятнинг ўзгарганлиги Испанияга муносабат тўғрисидаги масаланинг қайтадан кўриб чиқилишини талаб этади, деди.

Польша вакили Кац-Сухи бу масаланинг таклиф этилишини «Бош Ассамблеяни Бирлашган Миллатлар принципларига очиқдан-очиқ хилоф бўлган йўл тутишга мажбур этмоқчи бўлиб уринишдан бошқа нарса эмас» деди. Кац-Сухи, ҳозирги вазиятни кўздан кечирганимизда Бирлашган Миллатларнинг 1945 йилдаги қарори тўғри эканлиги равшан бўлади, деди. У франкочилар усул идорасини фашизм усул идораси деб қоралаган 1946 йилги резолюциядан бир парчани ўқиб берди. Кац-Сухи бу резолюцияда Хавфсизлик Советига агар резолюцияда кўзда тутилган тадбирлари натижа бермаса, Франко усул идорасини ағдариб ташлаш учун янги тадбирлар кўриш ҳуқуқи берилган деб эслатиб ўтди. Кац-Сухи, кока-колой савдогарларининг ва Пентагоннинг (Америка Қўшма Штатлари ҳарбий министрлиги) Франко фашист усул идорасига бўлган муносабатларига қараб Ассамблеянинг бу масалада тутган йўлини ўзгартириш мумкин эмас, деди.

Украина вакили Война бу моддани кун тартибидан чиқариб ташлаш тўғрисидаги Польша таклифини қувватлади.

Совет вакили Бобохўжаев ҳам бу модданинг кун тартибидан чиқариб ташланишини талаб этиб, Бош Ассамблеядан Франко усул идораси ҳақида бундан илгари чиқарган резолюциясини қайтадан кўришни талаб этадиган ҳечқандай ўзгариш юз бергани йўқ, деди.

Ана шу аниқ далилларга қарамай, Бош Ассамблея 9 овозга қарши 45 овоз блан Испания масаласини кун тартибига киргизишни ёқлаб овоз берди. 2 вакил овоз беришда бетараф қолди.

Гоминданчи Лю американинг Хитойга қарши қаратилган агрессияси тўғрисида Совет Иттифоқининг шикоятини кун тартибига киргизишга қарши чиқди. Аммо Ассамблея 6 овозга қарши 36 овоз блан бу масаланинг кун тартибига киргизилишини ма'қуллади, 6 вакил овоз беришда бетараф қолди.

Бош Ассамблея кун тартибидаги бошқа моддаларни муҳокама қилмай ма'қуллади. Бош Ассамблея Бош комитетнинг Махсус сиёсий комитет тузиш тўғрисидаги тавсияномасини ҳам ма'қуллади.

Бош комитет, Араб мамлакатлари иттифоқи вакилини Бош Ассамблеянинг сессиясида қатнашиш учун доим чақириб туриш тўғрисидаги масалани Ассамблея ялпи мажлисида бевосита муҳокама қилсин, деб тавсия қилган эди. Бу тавсиянома муҳокама қилинган вақтда Исроил давлатининг вакили Эбан, Ассамблея бу тавсияномани рад этсин ва бош секретарьнинг бу масалани 6-нчи комитет муҳокамасига топшириш тўғрисидаги дастлабки тавсияномасини қабул қилсин, деб таклиф этди. Бош Ассамблея Исроил давлатининг таклифини ма'қуллади. Сўнгра Бош Ассамблея Бош комитетнинг кун тартибидаги масалаларни Ассамблеянинг турли комитетлари ўртасида тақсимлаш тўғрисидаги тавсияномасини ма'қуллади.

Шундан кейин умумий музокаралар яна бошланди, бу музокараларда биринчи бўлиб Швеция вакили Унден гапирди.

Унден ўз сўзида Хавфсизлик Советининг Қурия тўғрисидаги ғайри қонуний қарорларини ёқлади. У, Швеция Ачесоннинг «тинчликни сақлаш мақсадида зарур чоралар кўриш соҳасида Ассамблеянинг ҳуқуқларини кенгайтириш» тўғрисидаги таклифларини «диққат блан кўриб чиқади» деди.

Унден ўз сўзида Вишинский томонидан киритилган таклифларга тўхталиб, Стокгольм Мурожаатидаги моддаларга ва беш буюк давлат ўртасидаги битим тўғрисидаги таклифга салбий қараганлигини айтди.

Сўнгра Чехословакия вакили Широкий гапирди, у Совет Иттифоқининг таклифларини қувватлади.

Колумбия вакили Урданет ўз нутқида Америка Қўшма Штатларининг Қурия ишларига аралашаётганлигини қувватлади. Урданет нутқидан кейин мажлис ёпилди.

27 сентябрь эрталабки ялпи мажлис

НЬЮ-ЙОРК, 27 сентябрь. (ТАСС). Бош Ассамблеянинг бугун эрталабки мажлисида умумий музокаралар давом этди.

Биринчи бўлиб Эквадор вакили Кеведо сўзлади. У Америка Қўшма Штатларининг Қуриядаги агрессиясини хушомадгўйлик блан ёқлади. Кеведо Бош Ассамблеянинг шу сессиясида Америка Қўшма Штатлари томонидан тақдим этилган таклифларни ҳам қувватлади. Бу таклифлар Бирлашган Миллатлар Ташкилотини америка империализмининг манфаатларига хизмат қилдириш мақсадини кўзда тутади.

Шундан кейинги нотиқ — Франция ташқи ишлар министри Шуманнинг нутқи Кеведонинг нутқидан бироз фарқ қилди. Шуман, бутун дун'ё халқлари Бирлашган Миллатлар Ташкилотидан тинчликни қувватлашни кутмоқдалар, деди ва шуондаёқ американинг Қуриядаги агрессиясини мақтай бошлади, Бирлашган Миллатлар Ташкилотидаги мавжуд тартибот қоидаларидан норози эканлигини билдирди, масалаларнинг моҳияти қараб чиқилган пайтда Хавфсизлик Советидаги доимий а'золарнинг якдиллигини талаб этишга қарши чиқди ва «Франция ҳукумати Америка Қўшма Штатлари давлат секретари томонидан айтилган фикрларни қувватлайди ҳамда Америка Қўшма Штатлари делегацияси баён қиладиган амалий таклифларни зўр э'тибор блан қараб чиқади» деди.

Шундан кейин Шуман Уставнинг маҳаллий группаларга тааллуқли қоидаларини мисол қилиб келтирди ва, Франция ана шу маҳаллий ташкилотларни қувватлаб келди ва бундан кейин ҳам қувватлайди, деди. Шундай қилиб, Шуман Ғарбий Европа ҳарбий иттифоқининг тузилишини ҳам ва агрессив Шимолий Атлантик аҳдини ҳам ма'қуллади.

Айни замонда Шуман ўртоқ Вишинскийнинг ўз нутқида айтган таклифларига қарши э'тироз билдирди.

Шундан кейин Ҳиндистон вакили Рау гапирди. Рау бутун дун'ёдаги кишиларнинг тинчликка интилаётганлигини уқдириб ўтди ва Америка Қўшма Штатлари, Совет Иттифоқи, Франция ва Англия ташқи ишлар министрларини ҳозирги пайтда Нью-Йоркда кенгаш ўтказиб, ҳал этилмай қолган ихтилофларни бартараф қилишга чақирди.

Рау Қуриядаги воқиаларга тўхталиб, бу воқиаларни халқаро нуқтаий назардан 1950 йилдаги «энг катта воқиалар» деб атади ва Ҳиндистоннинг Қурия масаласи юзасидан Хавфсизлик Совети томонидан қонунга хилоф суратда чиқарилган қарорларни қўллаб-қувватлаётганлигини оқлашга уринди.

Сўнгра Рау Бош Ассамблеяни ўз-ўзларини идора қилмайдиган халқларнинг турмуш шароити тўғрисидаги масала блан жиддий шуғулланишга чақирди ва империалист давлатлар қарам мамлакатларга бўлган ўз муносабатларини қайтадан кўриб чиқмайдиган бўлсалар, революция хавфи бор деб, мазкур давлатларни огоҳлантирди.

Исроил давлатининг ташқи ишлар министри Шарет ўз нутқида уруш хавфи борлигини уқдириб ўтди ва, Хавфсизлик Советининг доимий 5 а'зоси тинчликни сақлаш учун алоҳида жавобгардирлар, деди. Шу муносабат блан Шарет Вишинскийнинг беш давлат ўртасида бир қарорга келиш ҳақидаги таклифга тўхталиб бундай деди: «Бошқа ҳамма мамлакатлар умумий тинчликни барпо қилиш мақсадида биргаликда ишлаш учун беш буюк давлатни бирлаштириш соҳасидаги ҳарқандай ташаббусни самимий табриклаяжаклар. Бу ерда ба'зи вакиллар ва биринчи галда Совет Иттифоқининг вакиллари худди шу нарсани астойдил таклиф қилган эдилар. Равшанки, агар бундай ҳаракат муваффақиятли чиқадиган бўлса, мақсадга эришишнинг энг тўғри ва энг қисқа йўли бўлади».

Шарет шу ондаёқ Қўшма Штатлар томонидан Бош Ассамблеяга тақдим этилган таклифлар «ғоят жиддий ўрганишни талаб этади» деб да'во қилди. «Беш буюк давлат ўртасида тўла ҳамкорлик тикланганида ва Хавфсизлик Совети умумий тинчликка қарши туғилган хавфни ўзининг бутун состави блан биргаликда иш кўриб тезликда тугатишга қодир эканлигини исбот қилганида, — деди Шарет, — бу ҳол ана шу таклифларни батафсил ўрганиш учун ҳали фурсат борлигини кўрсатадиган бирдан-бир ҳодиса бўлар эди».

Венецуэла вакили Гонсалес Хавфсизлик Советида овоз бериш тартибларини белгилайдиган якдиллик қоидасига қарши одатдаги далилларни такрорлади ва Хавфсизлик Советининг Қурияга нисбатан кўрган ғайри қонуний тадбирларини хурсандчилик блан табриклади.

Шу блан эрталабки мажлис ёпилди.

☆

26 сентябрь кундузги ялпи мажлисда Чехословакия делегациясининг бошлиғи, ташқи ишлар министри Широкий нутқ сўзлаганлиги тўғрисида хабар берилган эди. Широкий «Янги уруш хавфининг олдини олиш тўғрисида ва тинчликни ҳамда халқларнинг хавфсизлигини мустаҳкамлаш ҳақида» СССР делегацияси томонидан тақдим этилган декларация лойиҳасига тўхталиб бундай деди: Совет Иттифоқининг таклифларида тинчликни ҳимоя қилишга қаратилган ва тамомила амалга оширилиши мумкин бўлган конкрет тадбирлар кўрсатилган. Бу таклифлар, — деди Чехословакия делегациясининг бошлиғи, — турли ижтимоий ва иқтисодий системадаги давлатларнинг ёнма-ён тинч яшаши мумкин эканлигига ва уларнинг тинч йўл блан мусобақа қилаолишларига асосланади. Чехословакия ташқи ишлар министри сўзини давом эттириб бундай деди: бошқа ба'зи буюк давлатларнинг ташқи сиёсати, бунинг аксича, турли иқтисодий ва ижтимоий системаларнинг ёнма-ён тинч яшаши ва тинч йўл блан мусобақа қилиши мумкинлигига эмас, балки улар ўртасида ҳарбий тўқнашишлар бўлиши муқаррар эканлигини кўзда тутган концепцияларга асосланади. Шунинг учун ҳам мазкур давлатлар халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш ўрнига ҳарқандай агрессив ҳарбий аҳдлар тузмоқдалар ва Совет Иттифоқига ҳамда халқ демократияси давлатларига қарши салб юриши деб аталган юришларни уюштирмоқдалар. Бу сиёсат натижасида ҳозирги пайтда халқаро вазият кескинлашди. Совет Иттифоқининг беш буюк давлат ҳамкорлигига ва тинчликни ҳимоя қилиш учун амалий тадбирлар кўришга қаратилган таклифлари ана шу кескин аҳволдан қутилиш йўлини кўрсатади.

Чехословакия вакили Хитой халқ республикасининг вакилларини Бирлашган Миллатлар Ташкилотида қатнаштириш тўғрисида гапириб, бундай деди: Хитой Халқ республикаси Марказий ҳукумати томонидан тайинланган вакилларни Бирлашган Миллатлар Ташкилотида қатнаштиришга қарши э'тироз билдириш учун ҳечқандай қонуний асос йўқ. Хитой Халқ республикаси вакилларини Бош Ассамблеянинг бешинчи сессиясига чақириш,—деди Чехословакия вакили, — Бош Ассамблея қарорларининг обрўсини ва умуман Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг обрўсини кескин суратда оширган бўлур эди. Бу чора, — деди сўзини давом эттириб Широкий, — беш буюк давлат ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашда ҳам тўғри, амалий қадам қўйиш бўлур эди.

Ачесоннинг нутқида баён қилинган америка таклифларига тўхталиб, Широкий айтдики, бу таклифларни Америка Қўшма Штатлари ҳукуматининг умумий сиёсатига боғлаб кўриб чиқиш зарур. Америка Қўшма Штатлари ҳукумати «совуқ муносабатлар уруши» сиёсатидан очиқдан-очиқ агрессив ҳаракат қилиш йўлига ўтди. Америка Қўшма Штатларининг Қурия ва хитой халқларига қарши қилаётган агрессив ҳаракатлари, — деди Чехословакия вакили,— америка делегацияси таклифларининг моҳияти нимадан иборат эканлигини ва бу таклифлар қандай мақсадларни кўзда тутганлигини очиқ кўрсатади. «Бу таклифлар Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Уставини ҳар жиҳатдан тафтиш қилишга қаратилган, бундан мақсад — Бирлашган Миллатлар Ташкилотини буюк бир давлатнинг агрессив ҳаракатларини гарчи қонуний деб топиб бўлсада ниқоблаш учун ана шу бир давлатнинг қуролига айлантиришдир. Чехословакия делегацияси, — деб сўзини давом эттирди Широкий, — халқаро муносабатларда демократик принципларнинг ривожлантирилиши, халқларнинг хавфсизлиги манфаатлари ва халқаро тинчлик манфаатлари бир давлатнинг бошқа давлат устидан ҳукмронлик қилиш принципига эмас, балки халқлар ва давлатларнинг ҳуқуқий тенглигига асосланган Устав принципларини мустаҳкамлашни ва бу принципларга қаттиқ риоя қилишни талаб этади».

Ачесоннинг Бош Ассамблея ҳузурида қуролли отрядлар вужудга келтириш тўғрисидаги таклифига тўхталиб, Широкий бу таклиф Устав қоидаларига тамомила қарама-қарши эканлигини кўрсатди, чунки Устав қоидалари бундай қуролли кучларни Хавфсизлик Советига бўйсунган ҳарбий-штаб комитети назорати остида ташкил этишни кўзда тутади. Бу таклиф Америка Қўшма Штатларининг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Уставини тафтиш қилишга интилаётганлигини исбот этади.

Совет Иттифоқи ҳукуматининг декларациясида баён қилинган таклифлар «тинчликни мустаҳкамлаш мақсадида беш буюк давлатнинг ўзаро келишиб бир қарорга келишига йўл очиб беради. Бу таклифлар ҳарбий вазият кескинлигини камайтираоладиган ва провардида уруш хавфини йўқотаоладиган амалий тадбирлар қабул қилиш йўлини кўрсатиб беради. Бу таклифлар тинчликни та'минлайоладиган амалий йўлни кўрсатиб беради. Бу таклифлар Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг обрўсини мустаҳкамлашга олиб боради. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг мақсади — тинчликни ва халқларнинг хавфсизлигини ҳимоя қилишдир».

27 сентябрь кундузги ялпи мажлис

НЬЮ-ЙОРК, 27 сентябрь. (ТАСС). Бош Ассамблеянинг кундузги мажлисида умумий музокаралар давом этди. Биринчи бўлиб Польша вакили Вербловский сўзга чиқди. У тинчлик хавф остида қолганлиги тўғрисида ва халқаро вазиятнинг кескинлашганлигига қандай ҳоллар сабаб эканлиги ҳақида гапирди. Вербловский айтдики, халқаро муносабатларда икки хил йўлнинг борлиги натижасида халқаро вазият кескинлашди. Совет Иттифоқи, Польша ва халқ демократияси мамлакатлари бир томондан, капиталистик давлатлар блан иккинчи томондан, социалистик давлатлар ўртасида «ёнма-ён туриб яшаш, ҳамкорлик қилиш ва тинч шароитда мусобақа қилиш» принципини доим қувватламоқдалар ва бу принципни амалга ошириб келмоқдалар. Аммо, — деди Вербловский, — бошқа давлатлар социалистик лагерьга ҳужум бошладилар ва тинчлик лагерига қарши янги агрессив хуружларни доим тайёрламоқдалар. Ачесоннинг ўтган ҳафтада Бош Ассамблеяда сўзлаган нутқи, — деб сўзини давом эттирди Вербловский, — «тажовузкорлик руҳидаги нутқ эди, бу нутқ ҳақорат қилиш ва асоссиз та'на қилишдан иборат эди, унинг пропагандистлик руҳидаги таклифларининг асосий қисми Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Уставининг асосий принципларини йўқ қилиш мақсадини кўзда тутар эди». Вербловский айтдики, ўтган ҳафтада сессия мажлисида Вишинскийнинг Ачесоннинг агрессив нутқига қарама-қарши сўзлаган биринчи нутқи «Совет Иттифоқининг халқаро масалаларни ҳал этиш проблемасига, бу масалалар ҳатто ғоят мураккаб бўлиб, кескин аҳвол туғдирганда ҳам, тинчлик манфаатларини кўзда тутиб қараётганлигини исбот этди».

Шундан кейин Вербловский бутун дун'ёда турли воситалар ёрдами блан, чунончи Европани янги урушга тайёрлаш мақсадини кўзда тутган Маршалл плани ва Атлантик аҳд каби, Қуриядаги ошкора агрессия каби турли воситалар ёрдами блан империалистлар агрессиясини кучайтиришда Америка Қўшма Штатларининг ўйнаётган ролини таҳлил этди. Вербловский бундай деди: Америка Қўшма Штатлари ўзининг агрессив программасини амалга ошириш учун ҳарбий жиноятчилардан, нацист милитаристлардан ва Чан Кай-ши ҳамда Ли Син Ман каби тамомила шармандаси чиққан разил унсурлардан фойдаланишдан қайтмаётир.

Вербловский уқдириб айтдики, Америка Қўшма Штатларининг ҳозирги ташқи сиёсий программаси халқаро миқ'ёсда жанжал ва урушлар тайёрлаш мақсадини кўзда тутади ва бу программа Совет Иттифоқи ҳамда халқ демократияси мамлакатларининг тинчликни сақлаш мақсадида амалга ошираётган сиёсатига тамомила қарама-қаршидир. Вербловский, Польша Бош Ассамблеяни янги урушнинг авж олдирилишига қарши ва янги уруш тайёргарлигига қарши курашиш йўли блан тинчликни сақлаш учун амалий тадбирлар кўришга чақиради, деди.

Вербловский сўзининг охирида қуйидагиларни айтди: «Уруш муқаррар эмас ва биз урушга халақит бераоламиз. Дун'ё халқлари янги уруш офатлари ва даҳшатларидан халос қилишни талаб этмоқдалар, улар тинчликни сақлашни талаб қилмоқдалар».

Либерия вакили Кинг империалистларнинг Африка халқларини қул қилиб эзаётганликларига қарши суст норозилик билдирди. У 150 миллиондан ортиқ киши яшаётган Африка қит'асида атиги 4 тагина суверен мустақил давлат борлигини айтди. Кинг дедики, агар мустамлакачи давлатлар Африка халқлари мустақилликка эришаоладиган процессни тезлатишни зарур эканлигини пайқаб олмасалар, у ҳолда бутун қит'ада ғалаёнлар бошланиб кетади ва бунинг натижасида уруш хавфининг янги манбаи пайдо бўлади. Аммо Кинг ўзини гарчи мазлум халқларнинг ҳимоячиси қилиб кўрсатишга уринса ҳам, Қурия халқига қарши қилинаётган агрессияни хушомадгўйларча қувватлаш блан ўз нутқини тамомлади.

Шундан кейин Белоруссия вакили К. В. Киселев сўзлади. У Совет Иттифоқининг тинчлик манфаатларини кўзда тутиб қилаётган ишларига батафсил тўхталиб ўтди ва Америка Қўшма Штатларининг янги жаҳон урушига тайёрланишга қаратилган интилишлари Совет Иттифоқининг тутган йўлига қарши эканлигини айтди. Киселев Совет Иттифоқи фан ва техникадан халқнинг турмуш шароитини яхшилаш учун фойдаланаётганлигини, капиталистик мамлакатлар эса одамларни қириш учун янги воситалар вужудга келтиришга доим интилаётганликларини исбот этди. Кисилев бундай деди: бутун дун'ё халқлари, шу жумладан икки жаҳон урушининг даҳшатларини бошидан кечирган белорусс халқи ҳам урушни хоҳламайдилар; шу сабабдан улар тинчлик ҳақидаги Стокгольм Мурожаатига хурсандчилик блан қўл қўйдилар. Кисилев капиталистик мамлакатларнинг халқлари ҳам уруш оловини ёқувчиларни қоралаб, Стокгольм Мурожаатига қўл қўйганликларини уқдириб ўтди, чунки, — деди Киселев, — бу халқлар янги жаҳон урушида тўп еми бўлишни хоҳламайдилар. Ачесоннинг Бош Ассамблеяда сўзлаган нутқида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ҳамма муваффақиятсизликлари учун Совет Иттифоқини айбли қилиб кўрсатишга уринганлигини айтиб, Киселев бундай деди: Бирлашган Миллатлар Ташкилоти олдида пайдо бўлган ва бу ташкилотни заифлаштирадиган тўсқинликлар учун Америка Қўшма Штатларининг ўзи жавобгар эканлиги аёндир. Киселев Дэвид Лоуренснинг 1949 йил 14 январьда «Юнайтед стейс ньюс энд Уорлд рипорт» журналида босилган мақоласидан парчалар ўқиб берди. Лоуренс бу мақоласида Америка Қўшма Штатлари «Россия блан мустаҳкам тотувлик»ка эришадиган бўлса, у ҳолда ҳарбий ишлабчиқаришга асосланган америка экономикасига «ўлим зарбаси берилади» деб ёзади. Шундай қилиб, — деди Киселев, — америка матбуоти янги жаҳон уруши очишни қувватлаб агитация юргизишни давом эттирмоқда ва тинчликни хавф деб қарамоқда.

Киселев Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Уставига путур етказиш йўлидаги ҳарқандай уринишга зарба бериш зарур эканлигини уқдириб ўтди.

Киселев Австралия вакили Спендернинг ва Янги Зеландия вакили Берендсеннинг Совет Иттифоқи ша'нига туҳмат гаплар айтганликларини уқдириб ўтди. Берендсен Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг минбарида туриб биринчи марта очиқдан-очиқ урушга чақирди ва бу урушни халқаро жанжалларни бартараф қилиш воситаси деб ҳисоблади. Шу сабабдан Берендсеннинг номи янги уруш оловини ёқувчилар рўйхатига киргизилиши лозим.

Киселев сўзининг охирида Бош Ассамблеяни Совет Иттифоқининг тинчликни мустаҳкамлашга қаратилган таклифларини қувватлашга чақирди.

Норвегия ташқи ишлар министри Ланге умумий сўзларида Америка Қўшма Штатларининг Қуриядаги агрессиясини ва Ачесоннинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Устави принципларига путур етказишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган таклифларини қувватлади. Айни замонда у Хитой халқ республикасининг вакилларини Бирлашган Миллатлар Ташкилотида қатнаштиришни ёқлаб гапирди.

Канада вакили Пирсон Ачесоннинг таклифларини бажони-дил табриклади. Пирсон барча халқларнинг даставвал тинчликни хоҳлаётганликларини э'тироф қилди. Аммо шу ондаёқ, Совет Иттифоқининг тинчликка олиб борадиган қуролсизланиш тўғрисидаги таклифларининг обрўсини туширишга уриниб кўрди.

Пирсоннинг нутқидан кейин мажлис ёпилди. 28 сентябрь эрта блан умумий музокаралар давом эттирилади.

Қуриядаги воқиалар

ҚУРИЯ ХАЛҚ-ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ АРМИЯСИ БОШ ҚУМОНДОНЛИГИНИНГ АХБОРОТЛАРИ

ПХЕНЬЯН, 27 сентябрь. (ТАСС). Қурия халқ-демократик республикаси Халқ армиясининг бош қўмондонлиги бугун эрталаб қуйидагиларни билдирди:

26 сентябрьда Халқ армиясининг қисмлари ҳамма фронтларда душманнинг ҳужум қилаётган қисмларига қарши шиддатли жанглар олиб бордилар. Сеул районида америка қўшинлари янги кучларини келтириб, авиация ва танклар мадади блан ҳужумни давом эттирдилар.

26 сентябрьда Халқ армиясининг Сеул шаҳрини мудофаа қилаётган қисмлари сон жиҳатидан кўп бўлган душманга қарши қаттиқ мудофаа жанглари олиб бордилар ва қарши атакалар қилдилар.

25 ва 26 сентябрьда икки кун ичида Сеул учун олиб борилган жангларда Халқ армиясининг қисмлари душманнинг аскарларига ва техникасига катта талафот етказдилар. 17 танк, 9 тўп, 6 миномёт яксон қилинди.

Бошқа фронтларда Халқ армиясининг қисмлари сон жиҳатидан кўп бўлган душман кучларига қарши шиддатли мудофаа жанглари олиб бордилар.

ПХЕНЬЯН, 27 сентябрь. (ТАСС). Қурия халқ-демократик республикаси Халқ армиясининг Бош қўмондонлиги бугун кечқурун қуйидагиларни билдирди: Халқ армиясининг қисмлари ҳамма фронтларда америка қўшинларига қарши шиддатли жангларни давом эттирмоқдалар.

26 сентябрьда америка қўшинларининг қисмлари Сеулга ёриб ўтиш мақсадида Сеулнинг уч томонидан, я'ни шимол, ғарби-шимол ва ғарби-жануб томонларидан қаттиқ ҳужум қилдилар. Халқ армиясининг Сеулни мудофаа қилаётган қисмлари танк ва артиллерия қисмларининг мадади блан бирнеча марта қарши атака қилдилар ва душманга катта талафот етказдилар. Сеулнинг шимолидаги ва ғарби-жанубидаги ба'зи мудофаа участкаларида Халқ армияси қисмларининг қарши зарбалари натижасида душман 2—3 километр чекинди.

Халқ армиясининг Сеулни мудофаа қилаётган қисмларининг офицерлари ва солдатлари [illegible] кўрсатмоқдалар. Сеул аҳолиси — эркаклар ва хотин-қизлар Халқ армиясининг қисмлари блан биргаликда пойтахтни ҳимоя қилишга якдиллик блан отланиб, катта жасорат ва ватанпарварларча фидокорлик кўрсатмоқдалар.

26 ва 27 сентябрьда Сеул учун олиб борилган жангларда душманнинг 1900 га яқин солдат ва офицери ўлдирилди ва ярадор қилинди. Душманнинг кўп ҳарбий техникаси яксон қилинди ва қўлга туширилди.

Бошқа фронтларда Халқ армиясининг қисмлари душманнинг силжишини тўхтатиш мақсадида шиддатли мудофаа жанглари олиб бормоқдалар.

СЕУЛ АҲОЛИСИ ХАЛҚ АРМИЯСИГА ЁРДАМ БЕРМОҚДА

ПХЕНЬЯН, 27 сентябрь. (ТАСС). Пхеньян радиоси эшитдирган хабарга қараганда, Сеул аҳолиси Халқ армиясига ёрдам бериб, ўз ватанининг пойтахтини қаҳрамонларча мудофаа қилмоқда.

Дянчендон районининг аҳолиси америка босқинчилари ваҳшийларча бомбардимон қилаётганига қарамай, олдинги маррага ўқ-дори етказиб бермоқда. Мендон районининг мард аҳолиси баррикадалар қурмоқда. Сеул ёшлари мисилсиз қаҳрамонлик ва фидокорлик кўрсатмоқдалар.

Қаттиқ бомбардимон давом этишига қарамай, Сеул хотин-қизлари митинглар ўтказиб, пойтахтни мудофаа қилишда актив қатнашишга қарор бердилар. Кўп хотин-қизлар олдинги маррага ўқ-дориларни ва Халқ армияси қисмлари учун ҳамма зарур нарсаларни етказиб бермоқдалар.

АМЕРИКА АЭРОПЛАНЛАРИ ВОНСАН ВА ХАМХИН ШАҲАРЛАРИГА ВАҲШИЙЛАРЧА ҲУЖУМ ҚИЛДИЛАР

ПХЕНЬЯН, 27 сентябрь. (ТАСС). Пхеньян радиоси хабар беради: 24 сентябрь кечаси америка ҳаво қароқчилари Вонсан шаҳрини бомбардимон қилдилар. Бу ваҳшиёна бомбардимон натижасида Қурия тинч гражданларидан кўп киши ўлди ва ярадор бўлди.

Бу гал илгариги бомбардимонлар вақтида зарар кўрган аҳоли ертўлаларда яшаб турган ва ҳечқандай ҳарбий об'ектлар бўлмаган район бомбардимон қилинди.

Америка империалистларининг ёвузликларидан ғазабланган аҳолининг қалби уларга нафрат ҳислари ва душмандан ўч олиш ҳислари блан тўлиб-тошган.

ПХЕНЬЯН, 27 сентябрь. (ТАСС). Пхеньян радиоси қуйидаги хабарни эшитдирди: 23 сентябрьда америка ҳаво қароқчилари Хамхин шаҳрини бомбардимон қилдилар. Эрталаб соат 11 да шаҳар устида 30 та америка бомбардимончи аэроплани пайдо бўлиб, шаҳарга 600 дан ортиқ портловчи ва бирнеча юз ёндирувчи бомба ташладилар. Кўпгина тинч Қурия гражданлари, шу жумладан болалар, хотин-қизлар ва кексалар ўлди ва ярадор бўлди. Техникум, 3-нчи бошланғич мактаб биноси, кўп уй-жой ва маданий-оқартув муассасаларининг бинолари вайрон бўлди.

Америка эсминси Хитой кемасини тўпга тутди

ПЕКИН, 27 сентябрь. (ТАСС). Синьхуа агентлигининг мухбири Аньдундан билдиради: 21 сентябрьда американинг ҳарбий кемаси Сариғ денгизда Шаньдун ярим ороли яқинида Хитойнинг савдо кемасини тўпга тутди.

Хитойнинг савдо кемасига Сариғ денгизда 38 градус 11 минут 30 секунд шимолий кенгликда ва 123 градус 6 минут шарқий узунликда, тахминан Чэншаньтоу бурунидан 50 миля (денгиз миляси) масофада ҳужум қилинди. Хитой савдо кемасининг капитани билиб олишича, американинг бу ҳарбий кемаси «Д — 29» деган америка эсминси бўлган. Америка ҳарбий кемаси Хитой кемасини тўхтатишга мажбур этиш мақсадида ўт очган. Шундан кейин америка эсминси Хитой савдо кемаси яқинига келган ва кеманинг экипажи ҳамда пассажирлари сўроқ қилинган. Шу пайтда америка аэроплани Хитой кемаси устида айланиб учиб юрган.

Шарқи-шимолий Халқ ҳукумати Аньдун порти бошқармасига қарашли бўлган «Саньхай № 21» деган Хитой кемаси 20 сентябрь тушдан кейин Шаньдуннинг шарқи-жанубий қирғоғи яқинидаги Шидао оролидан Маньчжуриядаги Аньдунга қараб йўл олган. Бу кемада 14 пассажир, шу жумладан 4 аёл ва 2 бола, шунингдек ип газламалар бўлган. Кема соат 22 дан 45 минут ўтганида, Чэншаньтоу бурунидан 50 миля масофада тўпга тутилган. Тўп ўқлари Хитой кемасининг чап томонига келиб тушган. Эсминдан ёруғ берувчи икки ракета отилган. Америка эсминсининг тўплардан яна ўқ узишига баҳона топмаслиги учун Хитой кемаси тўхтаган. Аммо шунда ҳам бу кемага яна снарядлар ва 6 та ёруғ берувчи ракета отилган.

Америка эсминси тўпга тутганидан 25 минут ўтгач Хитой кемаси ёнига борган. Бу вақтда Хитой кемаси устида америка аэроплани айланиб учиб юрган. Америка эсминси Хитой кемасини прожектор блан ёритиб, унга 3—4 метр яқин келиб тўхтаган. Хитой кемасининг капитани Ли Пин-чуань, капитан ёрдамчиси Ли Вэнь-гуан ва кеманинг рульчиси Чан Лин-чень ҳужум қилган ҳарбий кеманинг кўк корпусига оқ бўёқ блан ёзилган «Д — 29» деган белгини кўрганлар. Бу америка эсминси эди. Улар ҳарбий кеманинг кормасидаги аэропланни ҳам кўрганлар.

Америкали инглизча гапириб, кеманинг журналини талаб этган. Капитан Ли бунга жавобан кеманинг Хитой савдо кемаси эканлигини айтган. Инглиз тилида берилган бошқа саволларга капитан жавоб қайтармаган, чунки у инглиз тилини билмаган. Эсминсдаги бир хитой асоссиз сўроқ қилишни давом эттираберган.

Хитой кемасидаги 14 пассажирни ва кеманинг экипажидаги 14 кишини палубага саф бўлиб тизилишга мажбур этганлар. Бу ерда улар яна 20 минут сўроқ қилинган. Шундан кейин эсминс жўнаб кетган.

Мас'ул муҳаррир ўринбосари: **Б. РАҲМОНОВ.**

ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА:

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 29 сентябрьда **Коппелия**, 30 сентябрьда **Тоҳир ва Зуҳра**.
«ЁШ ГВАРДИЯ» — кундуз ва кечқурун **Бой келди.**
«ХЕВА» — **Балет солисткаси.**
«УДАРНИК» — рангдор фильм **Жасур кишилар.**
«НАВОИЙ» (қишки) — кундуз ва кечқурун **Аршин мол олон.**
«НАВОИЙ» (ёзги) — **Катта ҳаёт.**
«9-НЧИ МАЙ» — **Биринчи қўлқоп.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА
29 сентябрьда
ҚИШКИ МАВСУМНИНГ ОЧИЛИШИ
Катта цирк тамошалари
кўрсатилади.
Программада:
парад-пролог
ТИНЧЛИК ҒАЛАБА ҚИЛАДИ!
Сценарий автори ва постановкачи — А. Аронов.
М. С. Качуринер раҳбарлигида
ЛИЛИПУТЛАРНИНГ КАТТА МУЗИКАЛИ АТТРАКЦИОНИ
қатнашади.
Ўйин ораларида — қизиқчи **Г. Стуколкин** иштирок этади.
1 октябрьда 4 марта тамоша қўйилади. Тамошалар кундуз соат 12 ва 3, кеч 6 ва 9 да бошланади.
Билетлар ҳозирдан сотилмоқда.

1950 йил 7 октябрь кундуз соат 3 да, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Энергетика институтининг илмий совети мажлисида (Абдулла Тўқаев кўчаси, 1-нчи уй, конференц-зал)
институт аспиранти
Л. С. Мелодиев
техника фанлари кандидати деган илмий даражани олиш учун: «Оширилган частотали ток майдони блан қўшимча магнитлаб бир ўрамли ўлчов ток трансформаторларининг аниқлигини ошириш» деган темада
ДИССЕРТАЦИЯ ЁҚЛАЙДИ
Расмий оппонентлар: Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг корреспондент а'зоси техника фанлари доктори профессор Н. Н. Шедрин ва доцент В. Т. Рождественский.

«ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН» ВА «ПРАВДА ВОСТОКА» НАШРИЁТИГА
КОРРЕКТОР КЕРАК
Алексеевская кўчаси, 8-нчи уй, 1-нчи қаватда 7-нчи хонага келиб учрашилсин.

Лангар кўча, Кўктош проезд, 26-нчи уйда турувчи Илҳом Муслимовнинг шу уйда турувчи Тўлан Муслимовадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Октябрь район, 1-нчи участка халқ судида кўрилади.

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЕТ АДРЕСИ: Тошкент, Алексеев кўчаси, № 8. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Партия турмуши бўлими — 33468. Пропаганда бўлими — 31048. Маданият бўлими — 32036. Қишлоқ хўжалик бўлими — 34455. Саноат бўлими — 31226. Совет қурилиши бўлими — 31638. Маҳаллий ахборот бўлими — 37604. Мухбирлар бўлими — 31638. Хатлар бўлими — 32347. Э'лонлар бўлими — 37062. Секретариат — 34780 ва 33469. Коммутатор — 36334.

Р. 07067. «Қизил Ўзбекистон» ва «Правда Востока» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. № 1174.